

БУЮК МУТАФАККИРЛАР ЮРТИГА ЭҲТИРОМ

Ислом Конференцияси Ташкилотининг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича бўлими АЙСЕЕСКО (ISESCO) 2007 йил учун азиз Тошкентимизни “Ислом маданиятининг пойтахти” олий мақомига лойиқ кўргани ҳаммангизга маълум. Шу муносабат билан август ойининг 14 – 15-кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтган йирик халқаро анжумандан ҳам хабарингиз бор.

АЙСЕЕСКО ташкилоти яна бир хайрли ишга қўл урди – ноябрнинг 13–15-кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида “Ўзбекистон Ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” мавзуида илмий анжуман ташкил қилди. Анжуман ишида Туркия, Миср, Мароқаш, Саудия Арабистони, Тунис ва Баҳрайн мамлакатларидан йигирмадан ортиқ олим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси каби илмий муассасалардан олим ва мутахассислар қатнашишди. Меҳмонлар орасида АЙСЕЕСКО ташкилотининг масъул вакили Абдуллоҳ ибн Арафа (Мароқаш) ҳам бор эди.

Илмий анжуман олдидан 12 ноябр куни меҳмонлар Самарқанднинг тарихий обидаларини, улуг алломалар ётган жойларни зиёрат этишди. Айниқса, Хартанг қишлоғидаги Имом Бухорий мажмуалари зиёрати меҳмонларни қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳатто туркиялик олим Аҳмад Турон Арслон мажмуа дарвозасига яқинлашаркан, ватанига – оиласига кўнғироқ қилиб: “Биласизларми, мен ҳозир қаердаман? Ҳозир Имом Бу-

хорий ёнларида туриб сизларни дуо қиламан”, деди.

Умунан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби алломалар юртига келиш меҳмонларни қанчалик ҳаяжонлантирган бўлса, буюк алломаларимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини чет эллик олимлардан эшитиш бизларни ҳам шунчалик тўлқинлантирди. Масалан, Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси раиси Муҳаммад Маржон табрик сўзида: “Бу юртга худди Каъбатуллоҳга талпинган каби иштиёқ ва ҳаяжон билан кириб келдик!” деган самимий эътирофи ила ҳамманинг кўнглидаги гапни айтди. Туркиядаги Кўниё университети профессори доктор Закариё Китобчи Бухорода қилган маърузасини: «Бу ерда яратилган буюк мерос сари шошилиниг, чунки ўтмишда ёмон саналмаган нарса келажакда ҳам ёмон бўлмайди!» деган хитоб билан яқунлади. Доктор Муҳаммад Мусо Шариф эса: “Ўзбекистон Ислом тараққиётига худди ўтмишдагидек яна йўлбошчи бўла олади деб ўйлайман”, дея умид билдирди.

Хуллас, ҳамма маърузалар ҳам юксак савияда эди. Анжуман қатнашчилари Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Чор Бакр мажмуаларини зиёрат этиб, Масжиди Калон, Боло Ҳовуз, Қўшмадраса, Лаби Ҳовуз каби тарихий масканларни томоша қилиб, 16 ноябр куни тонгда Тошкентга қайтишди.

(Анжуман иштирокчилари маърузаларини “Ҳидоят”нинг келгуси сонларида ўқийсиз.)



АСЛИНГИЗДАН УЗИЛМАНГ

Барча нарса аслида собит ва барқарор, асли билан боғланган бўлса мустаҳкам бўлади. Аслидан узилган ҳар қандай нарса хор ва хароб бўлади.

Кишининг асли ота-онасидир. Унинг ўсиб-улғайиши ота-онаси билан боғлиқ. Ота-онасидан узилган бирор кимсанинг толеи ҳануз баланд бўлмаган ва бўлмайди.

Ота-онасидан ё уларнинг биридан узилган кимса “оқ” деб аталади. Ота-онадан узилиш уларни ранжитишдир. Уларнинг қалбига озор етказган ўғил ё қиз “оқ”дир.

Динимиз ота-онани хафа ва норози қилишни ҳаром этган ва улкан гуноҳлар қаторида санаган. Уларни ҳурматлашни буюрган.

Исро сурасининг 23 – 24-оятлари мазмуни бундай:

“Парвардигорингиз фақат Ўзига қуллик этишингизни ва ота-онага яхшилик қилишингизни қатъий ҳукм этди. Агар ота-онанинг бирлари ё иккиси ҳузурингизда кексаликка етса, уларга “уф” деманг ва қичқирманг. Уларга юмшоқ сўзланг! Уларга тавозуъли бўлинг! “Парвардигоро, улар мени ёшлигимда тарбия қилганлари сабабли уларга раҳм эт!” деб уларни дуо қилинг”.

Пайғамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бундай деганлар: “Аллоҳ таоло сизларга ота-онани ранжитишни, хасислик ва тиланчиликни, қизларни тириклай кўмишни ҳаром қилди. Сафсата ва беҳуда гаплардан, ноўрин саволлардан, молни исроф қилишдан сизларни қайтарди” (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Ҳазрати Луқмони Ҳаким айтадилар: “Эй ўғлим! Ким ота-онасини рози қилса, Аллоҳ таолони рози қилади. Ким ота-онасининг ғазабини келтирса, Аллоҳ таолонинг ғазабини келтиради. Эй ўғлим! Ота-она жаннат эшикларидан бир эшикдир. Агар улар рози бўлишса, жаннатга кирасан. Агар улар норози бўлишса, жаннатга киролмайсан”.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Нуриддин ҲОШИМОВ

Анвар ТУРСУН

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Абдул Жалил ХУҲАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХУЛБЕК қизи,

Зебунисо ХУСАЙН қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04

Раҳбари Уктам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08

Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 160-45-62, тел.факс: 144-36-53.

Интернет сайтими: www.hidoyat.uz

Интернет почтами: hidoyat_jurnali@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 21 ноябрда рухсат берилди.

Босмаҳонага 2007 йил 22 ноябрда топширилди.

Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 20000 нусха.198-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Кўлэзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,

«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Бугуннинг гапи	
Буюк мутафаккирлар юртига эҳтиром	1
Таянч нуқта	
Аслингиздан узилманг	2
Мерос	
Абдулғафур РАЗЗОҚ БУХОРИЙ	
«Ал-аврод» топилди	5
Мовароуннахр уламолари	
Аҳмад МУҲАММАД	
Ақидадаги мазҳаббошимиз	6
Мужда	
Хива билан Версал дўстлиги	9
Ўзбек «тулпорлари» шухрати	9
Фарғонада мутолаа байрами	9
УМИ ҳаёти	
Илёсхон АҲМАД	
Меҳмонларимиз	8
Хабарлар	
Имо-ишоралар тилида	12
Ҳадис шарҳи	
Имом НАВАВИЙ	
Жаннатни истасангиз	15
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Бруней Доруссалом давлати	16
Аёллар саҳифаси	
Абдумутал ОТАБОЕВ	
Уч қарра шарафли масъулият	18
Болам соғлом бўлсин десангиз	19
Тагликисиз яшаса бўлади	19
Фойдали маслаҳатлар	19
Шеърят	
Муқаддас САЛОМОВА	
Ўткинчи дунё	22
Султон ЭРГАШ	
Соғинчинг ўртайди.....	22
Абдуқодир УСНАДДИНОВ	
Шукрингни қил яхшироқ	23
Сайёра САМАНДАРОВА	
Дилимдаги доғларни кетказ	23
Маҳмуд ТУРСУН	
Бир Сени паноҳ билдим	23
Амри маъруф	
Анвар АҲСИКАТИЙ	
Буюк қаноатдан буюк дарслар	24
Мактублар	
МУАТТАР	
Гўдак ҳиди	25
Адабиёт	
РАЙҲОНА	
Умид кўприги	26
Адабий таҳлил	
Олим ДАВЛАТОВ	
«Камол аҳли ичра энг акмали»	29
Болалар саҳифаси	
Ҳорун ЯҲЁ	
Ҳайвонлар шоҳи	31
Эркатой мушуквойлар	31
Йўлбарс ёввойи мушук	31

Тафсир

НАБА СУРАСИ

4

Жаҳаннам туғенга кетган, ситамкор ва мутакаббирларни тутиш ўрни, уларнинг борар жойидир. У маконда улар абадул-абад қолади.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

АҚШда Ислом қомуси

Икки йиллик илмий тадқиқотлар ва тайёргарлик ишларидан сўнг икки жилдли “АҚШда Ислом қомуси” чоп этиладиган бўлди.

11

Фикҳ

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН

САЛАМ САВДОСИ

14

Салам савдоси савдо пайтида сотувчи қўлида бўлмаган мол устида бўлади. Бу савдода мол насия, унинг ҳақи нақд бўлади. Салам савдосидан бошқа савдода молни насия қилиш мумкин эмас.

Саҳобалар ҳаёти

Холид Муҳаммад ХОЛИД

АМР ИБН ЖУМУҲ

“Абдуллоҳ ибн Амр билан Амр ибн Жумуҳни битта қабрга қўйинг. Улар дунёда бир-бирларини яхши кўришарди”.

20

Масала

БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

28

Қурбонлик қилиш муқим, ҳожати аслиядан ортиқча молларининг қиймати қумушнинг закот нисобига етган кишига вожибдир.

Қурбон ҳайитининг биринчи куни ҳайит намозидан сўнг то ҳайитнинг учинчи куни шомгача қурбонликни сўйиш мумкин.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ يَوْمَ الْفَصْلِ كَانَ مِيقَتَنَا ﴿١٧﴾ يَوْمَ يُنْفَخُ فِي الصُّورِ فَتَأْتُونَ أَفْوَاجًا ﴿١٨﴾ وَفُتِحَتِ السَّمَاءُ
فَكَانَتْ أَبْوَابًا ﴿١٩﴾ وَسُيِّرَتِ الْجِبَالُ فَكَانَتْ سَرَابًا ﴿٢٠﴾ إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِلطَّغْيِينِ
مَعَابًا ﴿٢٢﴾ لَسِثِينَ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٢٣﴾ لَا يَذُوقُونَ فِيهَا بَرْدًا وَلَا شَرَابًا ﴿٢٤﴾ إِلَّا حَمِيمًا وَغَسَّاقًا ﴿٢٥﴾
جَزَاءً وَفَاءً ﴿٢٦﴾ إِنَّهُمْ كَانُوا لَا يَرْجُونَ حِسَابًا ﴿٢٧﴾ وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا كِذَابًا ﴿٢٨﴾ وَكُلَّ شَيْءٍ
أَحْصَيْنَاهُ كِتَابًا ﴿٢٩﴾ فَذُوقُوا فَلَنْ نَزِيدَكُمْ إِلَّا عَذَابًا ﴿٣٠﴾

НАБА СУРАСИ*

17-18. Албатта, (ҳақ ва ботилни, яхши ва ёмонни) ажратадиган Кун (қайта тирилтириш учун) белгиланган вақтдир. **18. У Кун** (қайта тирилтириш учун) Сур чалинади, сўнг сизлар тўп-тўп бўлиб (маҳшаргоҳга) келасиз, **19.** (фаришталар тушиши учун) осмон ёрилади ва эшик бўлиб қолади, **20. тоғлар** (ер юзидан) кўпорилиб, тўзителиб юборилади ва зарраларга айланади! **21-22. Албатта** жаҳаннам тутиш ўрни, тугёнга тушгучиларнинг қайтар жойидир. **23-24. Улар у жойда кўп вақт** (яъни, абадул-абад) бўладилар, (жаҳаннам иссиғидан ором берадиган) бирон салқинни ва бирон ичимликни тотмайдилар! **25.** (У ерда) Фақат қайноқ сув ва йирингнигина (тотадилар)! **26.** (Мана шу уларнинг қилмишларига) яраша жазодир! **27. Чунки улар** (қиёмат кундаги) ҳисобкитобдан кўрқмас эдилар. **28. Улар бизнинг оятларимизни бутунлай ёлғон дер эдилар!** **29. Биз барча нарсани ёзиб ҳисоблаб қўйганмиз!** **30. Энди** (эй имонсизлар, жазоингизни) тортинглар! Сизларга фақат азобни оширамиз!

Тафсири ва баёни

«Албатта, (ҳақ ва ботилни, яхши ва ёмонни) ажратадиган Кун (қайта тирилтириш учун) белгиланган вақтдир» (17).

Яъни, қиёмат кунни ер юзи яратилгандан унда ҳаёт тугатилгунича вақт оралиғида яша-

ган махлуқотлар тўпланиши учун белгиланган Кундир. Қилинган ишларга савоб ва жазо у кунда олинади. У куннинг «явмул фасл» («ажратадиган кун») деб аталиши боиси Аллоҳ таоло махлуқлари орасини ажратади.

«У Кунда (қайта тирилтириш учун) Сур чалинади, сўнг сизлар тўп-тўп бўлиб (маҳшаргоҳга) келасиз!» (18).

Яъни, ажратадиган кун Исрофил (алайҳиссалом) сур чаладиган кундир. Ўша куни қабрларингиздан ҳисоб қилинадиган жойга тўп-тўп ва жамоат-жамоат бўлиб келасизлар, У куни ҳар бир уммат ўз расули билан келади (Исро, 71).

«(Фаришталар тушиши учун) осмон ёрилади ва эшик бўлиб қолади!» (19).

Яъни, осмон бўлиниб, ёрилади ва фаришталар тушиши учун эшиклар ва йўллар очилади.

«Булутли осмон ёрилиб, (барча) фаришталар (ер юзига) туширилган (қиёмат) кунини (эсланг)!» (Фурқон, 25)

Тоғлар ҳам (ер юзидан кўпорилиб) тўзителиб юборилади ва зарраларга айланади! (20).

Яъни, тоғлар ҳар томонга сочиб юборилади ва ҳаводаги чанг, тўзон каби бўлиб қолади. Кўрган киши уни сароб деб ўйлайди.

«Ер (қаттиқ) ларзага келган, тоғлар титилиб, чанг-тўзонга айланган вақтда»... (Воқеъа, 4—6).

«(Эй Мухаммад,) улар сиздан тоғлар (қиёмат кунда қандай ҳолда бўлиши) ҳақида

*Давоми. Бошланиши ўтган сонда

сўрайдилар. Бас, айтинг: «Парвардигорим уларни (қум каби) сочиб юборур» (Тоҳа, 105).

«Албатта, жаҳаннам тутиш ўрни, тугёнга тушгувчиларнинг қайтар жойидир» (21–22).

«Улар у жойда кўп вақт (яъни, абадул-абад) бўладилар! Улар у жойда (жаҳаннам иссиғидан ором берадиган) бирон салқинни ва бирон ичимликни тотмайдилар!» (23–24).

«(У ерда) фақат қайноқ сув ва йирингнигина (тотадилар)! (Мана шу уларнинг қилмишларига) яраша жазодир!» (25–26).

Жаҳаннам тугёнга кетган, ситамкор ва мутакаббирларни тутиш ўрни, уларнинг борар жойидир. У маконда улар абадул-абад қолади.

Жаҳаннамда унинг иссиғидан сақловчи ҳамда чанқокни босувчи ичимлик ҳам, совуқлик ҳам топилмайди, фақатгина ичиш учун қаттиқ қайнаган сув ёки дўзах аҳлидан оқиб чиқувчи йирингни ичишади, холос. Бу азоб қилмишларига мувофиқ жазодир. Уларнинг амаллари ёмон эди. Жазо ҳам гуноҳга мувофиқ бўлади.

«(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни, ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир)» (Шўро, 40).

«Чунки улар (қиёмат кундаги) ҳисоб-китобдан кўркмас эдилар. Улар бизнинг оятларимизни бутунлай ёлғон дер эдилар!» (27–28).

Яъни, улар ёмон амал ва қабиҳ ишларни қилишарди. Чунки улар савобдан умид узишган, ҳисобдан кўрқишмас ва қайта тирилишга ишонишмас эди.

Улар Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига, нубувватга, қайта тирилишга далолат қилувчи Қуръон оятларини ёлғонга чиқаришарди. Ҳақни инкор қилиб, пайғамбарларни ёлғончи дейишарди.

«Биз барча нарсани ёзиб-ҳисоблаб қўйганмиз!» (29)

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамма амалларини билади. Фаришталар уларнинг амалларини ҳеч нарса қолдирмасдан ёзиб боришади. Шунга кўра жазолайди. Агар яхши амал бўлса, ажр, ёмон амал бўлса, жазо берилади.

«Энди (эй имонсизлар, жазоингизни) тортинглар! Сизларга фақат азобни оширамиз» (30).

Яъни, ўзингиз йўлиққан азобни тортинглар, тотаётган азобингизни яна оширамиз, деб айтилади дўзах аҳлига.

Абдуллоҳ ибн Амр: «Дўзах аҳли ҳақида бундан кўра шиддатлироқ оят тушмаган», деганлар. Яъни, улар қаттиқ азобда абадий қолишади.

Ибн Касир «Тафсир»и, Қуртубий «Тафсир»и, «Фатҳул Қодир» тафсири, Найсобирийнинг «Асбаба ан-нузул» ҳамда «Фароибул Қуръон» китоблари асосида
Анвар АХМАД тайёрлади

“АЛ-АВРОД” ТОПИЛДИ

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва умуман навқшбандийа тариқати тўғрисида кўп китоблар ёзилган. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида мазкур мавзуга оид икки юзга яқин манба сақланади. Ҳазрати Нақшбанд ўзлари ҳам “Ал-аврод”, “Ҳаётнома”, “Далилул ошиқин” каби асарлар таълиф этганлар. Аммо бу китобларнинг тақдири ҳанузгача номаълум эди. Яқинда ул зотнинг “Ал-аврод” асари топилгани қувончли воқеа бўлди.

Китоб араб, форс тилларида ёзилган бўлиб, 322 varaқ, 644 бетдан, 52 боб, 43 бўлимдан иборат. Ўлчами 25x17 см. Китобни “Раисул куттоб” (“Котиблар пешвоси”) лақаби билан машҳур Муҳаммад Саид Самарқандда ҳижрий 1053 (милодий 1645) йили Абул Ҳазрат Абдулазиз Баҳоудурхон кутубхонасида наставлик хатида кўчирган.

Китоб Аллоҳ таолога ҳамду сано, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салават, дуруд ва сўнгра ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тавсифлари билан бошланади.

Китобда турли фикҳий масалалар ечими, тасаввуфга доир қарашлар баён этилган. Муаллиф ҳар бир масалани қисқа, лўнда ва оммага тушунарли қилиб ёритган ва айни чоқда, улар қайси манбадан олинганини ҳам алоҳида ёзган. Китобда икки юздан ортиқ мўътабар манбанинг номи келтирилади. Жумладан, “Усулус саффор”, “Ас-сирожийа”, “Тафсирул Зоҳидий”, “Ал-Хулоса”, “Ал-Кабирий”, “Тафсируд дурар”, “Ширъатул Исломи”, “Асрорул маъоний”, “Наводирул фатово”, “Василатул кулуб” ва бошқа тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, ақоидга доир китоблардан фойдаланилган.

“Ал-аврод”га шайх Али ибн Аҳмад Фурий шарҳ битганлар.

Абдулғафур РАЗЗОҚ БУХОРИЙ,
ЎМИнинг Бухоро вилоятидаги вакили

АҚИДАДАГИ МАЗҲАББОШИМИЗ

Аҳли сунна вал жамоанинг ақидавий асослари Ислом оламининг икки буюк салоҳиятли олими — Шомда Имом Абул Ҳасан Ашъарий ва Мовароуннахрда Имом Абу Мансур Мотуридийлар томонидан ишлаб чиқилган. Ақидадаги мазҳаббошимиз Имом Мотуридий ҳаёти ҳақида жуда оз маълумот. Самарқандлик улуғ олим, ҳанафий фикҳининг билимдони Абул Муъин Насафийнинг «Табсиратул адилла» ҳамда Абул Йуср Паздавийнинг «Усул уд-дин» асарларида Имом Мотуридий ҳаёти ва илмий ишлари ҳақида бирмунча маълумот келтирилган.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий милодий 870 йилда Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилган. «Самарқандия» асарида унинг насаби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг байроқдорлари Абу Айюб Ансорийга бориб етиши зикр этилган.

Абу Мансур ёшлигидан илмга қизиқди, Самарқандда ҳанафий мазҳаби фикҳини чуқур ўрганди. Насафий ҳам, Паздавий ҳам унинг устозлари икки киши: йирик қомусий олим, Самарқанд ҳанафий фикҳи мактаби асосчиси Абу Бакр Жузжоний ва калом илмининг атоқли олими Абу Наср Иёзий бўлганини ёзишади. Профессор Исматулла Абдуллаев эса у самарқандлик олим Муҳаммад ибн Фазлга ҳам шогирд бўлганини келтиради.

Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» китобида қуйидаги ривоят келтирилган: «Мен Абулҳасан Али ибн Саъид Рустафинийнинг бундай сўзларини эшитдим: «Солиҳ кишилардан бири тушида Абу Наср Иёзийни кўрди, ул кишининг олдиларида бир лаганда гул ва бир лаганда шакар (ёки қанд) бўлиб, гул тўла лаганни Абулқосим Ҳакиймга, шакар тўла лаганни Абу Мансур Мотуридийга узатдилар. Иккалалари Абу


Наср Иёзийнинг шогирдлари бўлиб, (келажакда) Абу Мансур Мотуридий калом илми ва Абулқосим Ҳакийм ҳикмат билимдони бўлиб етишишди».

Ушбу манбаларда Абу Мансур Мотуридийнинг бир неча шогирдлари ҳақида ҳам маълумот берилади. Абу Аҳмад Иёзий, Абулҳасан Рустафиний, Абдулкарим Паздавийлар олимнинг иқтидорли шогирдлари сифатида Мовароуннахрда ҳанафий мазҳаби фикҳини яратишга салмоқли улуш қўшишган.

Имом Мотуридий ҳанафий фикҳи ва калом илмига бағишланган кўплаб асарлар ёзган. Аммо улардан айримлари, масалан, ақидада адашган мўътазилийлар, қарматийлар, рофизийлар ва бошқалар танқид қилинган «Китабу баёни ваҳму мўътазила», «Раддул усулул хамса», «Китабу радди авоилил адилла лил Каъбий», «Китабу раддил имоми ли баъзир равофиз», «Китабул мақолот» кабилар бизгача етиб келмаган. Унинг усулга оид «Китабул жадал» ва фикҳга доир «Мазохизуш шарийя» асарлари эса унинг номини машҳур қилиб юборди. Натижада олим Хуросон ўлкасининг мазҳаб соҳибига айланди.

Имом Мотуридийнинг асосан икки машҳур асари бор. Булардан бири «Китаб таъвилот аҳлус-сунна» ёки «Таъвилотил Куръан» номли асаридир. Олим унда калом илми уламолари йўлидан бориб, Куръони карим оятларини ақидада Аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб тафсир қилган. Абул Муъин Насафий таъкидлашича, «Таъвилот» ўз соҳасида мисли йўқ асардир. Зеро, аввалги муаллифлар қалами билан шу пайтга қадар бу соҳада тасниф этилган биронта бошқа асар бунинг даражасига ета олмайди. Бу асарга кейинчалик самарқандлик машҳур фақиҳ Алоуддин Самарқандий катта шарҳ ҳам ёзган.

Мотуридийнинг «Китабут тавҳид» (Тавҳид китоби) асари ҳажми, фикр бойлиги ва услубига кўра Мовароуннахрда ўзидан ав-



валги ақида соҳасида ижод қилинган жами асарлардан устун туради. Бу асар имоннинг асосий моҳиятларини жамлаб, уларга мос таърифлар бериш билан чекланмайди. Балки бутун Ислом ақидасини тафтиш этади, адашган фирқаларнинг ақидасини кескин рад этади. Соф исломий ақидани инкор этиб бўлмас далиллардан ташкил топган яхлит тизим сифатида тан олиш лозимлигини кўрсатиб беради. Асарда ҳанафий фикҳи муҳолифларига қарши ўлароқ, инсон диний маърифатга эришишнинг уч воситаси: сезги, нақл, ақлга эга экани; Аллоҳнинг зотий ва яратувчилик сифатлари; бу борада мусулмон ва ғайримуслим муҳолифлар билан мунозара; инсоннинг амаллари; имоннинг моҳияти ва яратилгани каби ўта муҳим мавзулар қамраб олинган. Кўпгина олимлар Мотуридийнинг бу асаридан олиш Куфада туриб жорий қилинган ҳанафий фикҳи ва ақидаси Мовароуннахрда туриб турли муҳолифлар, адашувлар, йўлдан оғишлар таъсиридан тозалангани ва ҳимоя қилингани ҳақида ёзишган.

Айрим олимлар Имом Мотуридийни «Имом Ашъарийнинг шарқий айнияти» деб баҳолашга уринишади. Аммо иккала имом бир даврда яшагани, улар ўртасида маълум ўхшашликлар ва фарқлар бўлганига қарамай, ҳар иккаласи ҳам дунёнинг икки бурчида ақида мазҳаблари соҳиби сифатида тан олинишди. Мотуридий ёшлигидан ҳанафий си-

фатида шаклланди ва умрининг охиригача шу мазҳабга содиқ қолди.

Уларнинг ақидавий мазҳабидаги фарқлар ҳам кўпчилик олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Тожиддин Субкий (вафоти ҳ.771/м.1370) ва Мухаммад Абдуҳ (м.1849-1905) бу фарқларни ўтгизта санашган. Камолиддин Баъзий (вафоти ҳ.1078/м.1687) эса фарқлар сонини элликтагача олиб боради. Лекин кўпгина олимлар бу хилофлар фақат лафзда, жавҳар эса тамоман бир-бирига ўхшаш, дейишган. Баъзи муҳаққиқ олимлар Мотуридий ва Ашъарий асосан учта маса-

лада ихтилофга боришган, деб ҳисоблашади. Биринчиси — Ашъарий ҳолни нафий қилади ва шунинг учун унинг фикрича, зоида сифатлар йўқ ҳисобланади. Мотуридий эса уларни собит дейди. Имом Мотуридий «таквийн» сифати бор, у ҳар бир махлуққа шомил сифат деса, Ашъарий бундай сифат йўқлигини айтади. Уларнинг савоб ва иқоб ҳамда ирода ҳурлиги борасидаги фикрлари ҳам фарқли. Аммо буларга қарамай, дунёдаги барча мусулмонлар ақидада Имом Мотуридий ва Ашъарий таълимотига таянишади.

Имом Абу Мансур Мотуридий ҳижрий 333 (милодий 944/945) йилда, Ашъарийдан ўн йил кейин Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

Аҳмад МУҲАММАД

Манбалар:

Абул Муъин Насафий, «Табсиратул-адилла фи усулид-дин». 1, 2-жилдлар, Туркия Диёнат бошқонлиги нашриёти, Анқара, 2003 й.

Абул Йуср Паздавий, «Усулуд-дин». «Мактабатул-Азҳарийя литтурос», Қоҳира, 2003 й.

Нажмиддин Насафий, «Самарқандия», Тошкент, «ЎЗМЭ», 2001 й.

Улрих Рудолф, «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти», Тошкент, 2002 й.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ, «Марказий Осиёда Ислом маданияти», Тошкент, «Шарқ», 2005 й.

МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ



Хива билан Версал дўстлиги

Бутун дунёга машҳур тарихий шаҳарлар — Хива ва Версал шериклик муносабатларини ўрнатди. Яқинда Франция Миллий Ассамблеяси депутати Этиен Пинтенинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида шу ҳақда протокол имзоланди.

Этиен Пинтенинг айтишича, жаҳоннинг кўпгина шаҳарлари Версал билан шериклик муносабатлари ўрнатишни истайди. Бироқ шу пайтга қадар Осиё шаҳарлари орасидан фақатгина Нара (Япония) Версал билан шундай алоқа

қурган эди. Шу тариқа Хива Версалнинг Осиёдаги иккинчи имтиёзли шерик шаҳри бўлди.

— Икки шаҳар ўртасида муштарак жиҳатлар талайгина, — деб сўзида давом этади мэр. — Бу, аввало, йил давомида кўплаб хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этиб келадиган бой тарих ва меъморчиликдир. ҳар икки шаҳар олдида турган муштарак вазифалар ҳам борки, улар тарихий-меъморий обидаларни авайлаб-асраш ва таъмирлаш билан изоҳланади.

Жамшид МУТАЛОВ,
“Жаҳон” АА

Ўзбек «тулпор»лари шуҳрати

Асакадаги “ЎздЭУавто” корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар қаторига яна учта — “Tacuma”, “Epicа”, “Captive” русумидаги замонавий машиналар қўшилди.

Айни пайтда “Самар-



қандавтосавдо” масъулияти чекланган жамияти дўконидан ушбу автомашиналарни харид қилиш мумкин. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида олди-сотдини



расмийлаштириш, биринчи техник хизмат кўрсатиш ишлари шу ернинг ўзидан амалга оширилмоқда.

Вилоят “Автотеххизмат” ҳиссадорлик жамияти мижозларга яна бир енгиллик яратди — Самарқандда ишлаб чиқарилаётган “Исузу” русумли автобус ва юк машиналари лизинг асосида сотила бошланди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ,
ЎЗА

Фарғонада мутолаа байрами

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасига юртимизда фаолият кўрсатаётган нашриёт матбаа-ижодий уйларининг ноширлари туҳфа билан келишди. Бу учрашув мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари учун чинакам мутолаа байрамига айланиб кетди.



Тадбирда «Маънавият», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», «Шарқ», «Чўлпон», «Ўқитувчи», Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги дарсликлар, маънавий-маърифий мавзудаги китоблар ва бадиий адабиётлар тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур ижодий жамоаларнинг дунё миқёсидаги нуфузли кўргазмаларда совриндор бўлган китоблари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири



МЕҲМОНЛАРИМИЗ

Шу йил октябрининг 30-куни Германия Бундестаги депутати Марие Луиз Бек хоним, 2 ноябр куни Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Идаппакат Аҳамед жаноблари, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Сканд Тайял, халқаро «Эксимбанк»нинг хитойлик вакиллари, Монголия Бош вазири Мэндсайхани Энсайхан жаноблари, Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов бошлиқ меҳмонлар гуруҳи; 3 ноябр куни Афғонистон Республикаси Бош вазири Аҳмад Зиё Масъуд жаноблари, Афғонистоннинг Ўзбекистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Баракий, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Алмазбек Атамбеков бошлиқ меҳмонлар гуруҳи; 5 ноябр куни Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири Шайх Сайф ибн Зойд Оли Наҳаён жаноблари; 7 ноябр куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлатлари прокурорларидан иборат меҳмонлар гу-

руҳи «Ҳазрати Имом» мажмуасига ҳамда Ўзбекистон муслмонлари идорасига келишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) Мусҳафини зиёрат қилишди.

Илёсхон АҲМАД,
ЎМИ халқаро алоқалар
бўлими ходими



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Мусулмонлар анжуманида



Ноябр ойининг 1–4-кунлари Москва шаҳрида мусулмонларнинг III Бутунроссия анжумани бўлиб ўтди. Мазкур анжуман доирасидаги маданий тадбирларда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашишди.

Жумладан, “Космос” меҳмонхонасида Бухоро чеварлари тўқиган гиламлар кўргазмаси бўлди. Тадқиқотчи Умар Идрисовнинг “Бухарские воспоминания” китоби савдоси уюштирилди. Эстрада театри биносида эса “Ялла” гуруҳи катта дастур намойиш этди.

Islam.ru

Вазирлар учрашуви



Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳрида Форс кўрфазидаги араб давлатлари ички ишлар вазирларининг йиғилиши бўлди.

Учрашувда иштирок этган Баҳрайн, Қатар, Қувейт, Бирлашган Араб Амирликлари, Аммон ва Саудия Арабис-

тони ички ишлар вазирлари Ироқдаги воқеалар жараёнига муносабат билдиришди. Бу давлатнинг ички ишларига аралашувларни қоралашди. Вазирлар Ироқ ҳукуматига кўмаклашиш зарурлигини таъкидладилар.

Учрашув ниҳоясида террор ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда жаҳон ҳамжамияти кучларининг бирдамлигини мустаҳкамлашга чақирувчи ҳужжат қабул қилинди.

ИТАР-ТАСС

Ватикандаги учрашув

Саудия Арабистони қироли Абдуллоҳ Ватиканда Рим Папаси Бенедикт XVI билан учрашди. Учрашувда мусулмоннасоний мулоқотларини жонлаштириш, давом эттириш тўғрисида сўз борди. Қирол Абдуллоҳ илгари ҳам икки марта – шаҳзода сифатида ва ички ишлар вазири сифатида Ватиканга келган эди. Аммо унинг бу галги сафари Саудия Арабистони билан Ватикан ўртасида ҳукумат бошлиқлари даражасидаги илк учрашувдир.



Портал-Credo

Янги газета нашр этилди

Москва шаҳрида Россиядаги араб жамоаси учун махсус газета нашр этила

бошланди. Янги “Моску ахбор” (Москва хабарлари) нашри ҳозир минг нусхада чоп этиляпти. Аммо лойиҳа ташаббускорлари бу адад-ни кўпайтириш ниятидалар.



Ойда бир нашр этиладиган йигирма тўрт саҳифали газетада Ислом дини, маданият, тарих, спорт ва бошқа турли мавзуларда мақолалар чоп этилади.

Газетанинг илк сони Москва шаҳрининг 860 йиллигига бағишланди. Ҳозир Россия пойтахтида араб давлатларидан, асосан Фаластин ва Суриядан келган мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Islam.ru

Малайзия сотиб олмоқчи

Малайзия илк малай фазогири Мушафар Шукор самога учган “Союз ТМА-11” фазовий кемасини Россиядан сотиб олмоқчи. Малайзия илм-фан вазири Жа-



молиддин Жаржис шу ҳақда маълум қилди. Ҳозир ушбу таклиф икки мамлакат ўртасида муҳокама этиляпти.

Россия Федерал фазовий агентлиги матбуот котиби Александр Воробёв ҳам ушбу хабарни тасдиқлади.

Мушафар Шукор фақат илк малай фазогиригина эмас, балки парвози Рамазон ойига тўғри келган илк мусулмон олими ҳамдир. У фазовий кемада саратон (рак) тўқималаридаги ўзгаришлар, шунингдек, протеинларнинг фазода кристаллашуви устида тадқиқот олиб борди.

Islam.ru

АҚШда Ислом қомуси

Икки йиллик илмий тадқиқотлар ва тайёргарлик ишларидан сўнг икки жилдли “АҚШда Ислом қомуси” чоп этиладиган бўлди.

“Бу иш АҚШ мусулмонлари ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таснифлаш борасидаги илк уринишдир, Америка маданияти, илм-фани, санъати ривожидида мусулмонлар ҳиссаси катта”, деди қомус муҳаррири Жоселин Цезари.

Биринчи жилддан алифбо тартиби билан уч юзта мақола ўрин олган. Мусулмон ар-



боблар, атоқли олимлар, масалан, Нобел мукофоти совриндори Аҳмад Зевайл фаолиятини ёритишга кенг ўрин берилган.

Иккинчи жилдда эса тўқсон учта мақола – мусулмон муаллифларнинг нутқлари, фатволари, шеър ва кўшиқлари жамланган.

Қомусни Гарвард университетининг турли дин вакилларида иборат ўқитувчилари, битирувчилари ва талабалари тузишган.

IslamOnline

Меҳр-муҳаббатга чақиринди

Италиянинг Милан шаҳрида мамлакат мусулмонларнинг катта байрами ўтказилди. Паладило стадионини тўлдирган кишилар бир-бирларига ва бошқа ватандошларига самимий меҳр-муҳаббат чақирини етказиш ниятида эди. Ўша кунни улар Аллоҳдан тинчлик сўраб дуолар қилишди, дўстлик ҳақида куйлашди, муҳтожларга хайр-эҳсонлар қилишди.

“Мақсадимиз италиялик ватандошларимизга Ислом меҳр-муҳаббат дини эканини англатишдир”, деди “Исломий кўмак” ташкилоти раҳбарларидан бири Мустафо Балтакей.

Қорилар Қуръони ка-



римнинг Духон сурасидан оятлар тиловат қилишди. Меҳр-мурувват, муҳтожларга, етимларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илоҳий амрларни ҳамма жон қулоғи билан тинглади.

Тадбирда исломий кўшиқларнинг машхур ижрочиси Муҳаммад Абу Ратиб, католик черкови руҳонийи Дон Педро иштирок этишди.

IslamOnline

Расмий интернет сайти очилади



Россияда Ислом ҳақидаги илк расмий интернет сайти 2008 йилнинг январидан ишлай бошлайди. Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг таълим соҳасида давлат сиёсати ва норматив-ҳуқуқий

бошқариш бўлими бошлиғи Татьяна Петрова шу ҳақда маълум қилди.

«Ушбу интернет-лойиҳа тўласича Россияда Ислом мавзуига бағишланади, – деди у. – Сайтга мамлакатимизда Ислом инфратузилмаси, асосий исломий ўқув юртлиари, чоп этилган, нашрга тайёрланаётган исломий адабиётлар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Бундан ташқари, сайтга кирувчилар араб мамлакатларига ўқиш, малака ошириш учун бориш, шунингдек, турли сайёҳлик йўналишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам билиб олишади».

ИТАР-ТАСС

Қамоқхона ёпиладиган бўляпти



АҚШ президенти маъмурияти Гуантанамо ҳарбий базасидаги қамоқхонани ёпишни режалаштирмоқда. The New York Times газетаси сайти шу ҳақда хабар тарқ-

атди. Маълумки, бу қамоқхонадаги «террорчилик»да шубҳа остига олиниб, дунёнинг турли ҳудудларидан тутиб келинган маҳбусларнинг ҳеч бирига айблов қўйилмаган, ҳеч бири суд қилинмаган.

Энди маҳбусларнинг бир қисмини АҚШ қамоқхоналарига ўтказиш, қолганларини эса ватанларига жўнатиш кўзда тутиляпти.

Lenta.ru

“Глобаллашаётган оламда Ислом”

Украина пойтахти Киев шаҳрида “Глобаллашаётган оламда Ислом” мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Украин исломшунослик маркази “Ар-Риад” ҳамда Бутунукраин жамоат ташкилотлари уюшмаси мазкур анжуман ташкилотчилари бўлишди.

Анжуманда фан, таълим ва маданият арбоблари, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижлик меҳмонлар, турли мамлакатлар дипломатлари иштирок этишди. Жумладан, Оврупада исломий ташкилотлар Федерацияси президенти Шакиб ибн Маклауф, Украина Президенти котибияти маслаҳатчиси Г.Удвоенко, Украина Президентининг Қримдаги доимий вакили ўринбосари Р.Хавожий ва бошқалар анжуманда қатнашиб, сўзга чиқишди.

Нотикларнинг барчаси глобаллашув инсон маънавиятини барбод этмаслиги керак, бу жараёнда барча халқларнинг маданияти, урф-одатлари сақлаб қолиниши зарур деган фикрда яқдил бўлишди. Нотиклар бу муаммони ҳал этишда Ислом дини ғоялари катта аҳамият касб этишини таъкидлашди. Анжуман ниҳоясида исломшунослик тадқиқотлари Бутунукраин III танлови яқунлари эълон қилинди.

“Ислам для всех”

Имо-ишоралар тилида

Мисрлик Алоуддин Саид қулоғи эшитмайдиган ногирон кишиларга Қуръони ка-

рим маъноларини қўл ҳаракати билан етказиш мақсадида улар қўллайдиган имошоралар – «сурдо» тилини ўрганди.

“Ногирон одамларга мусулмонлар жамоасининг тўлақонли аъзолари бўлишларида ёрдам бериш учун бу тилни ўргандим”, деди Алоуддин Саид.

Ҳар жума кун Алоуддин Қоҳирадаги “Зайнаб” масжиди минбарида туриб, мавъизани имо-ишоралар – сурдо тилига таржима қилади. Сўнгра юзлаб ногирон мусулмон Саиднинг ишораларига эргашиб, намозни адо этади.

Алоуддин Саиддан ибрат олиб, махсус тилни ўрганишга киришаётган имомлар кўпаймоқда.

IslamOnline

Янги журнал тақдироти

Қозон шаҳрида “Чётки” (Тасбех) адабий-бадий журналнинг илк сони тақдироти бўлди. “Китоблар уйи” дўконига тўпланганлар журнал бош муҳаррири Ринат Беккин



билан учрашишди. Мазкур журнал шарқ мусулмон халқлари адабиёти ва санъатини кенг ёритиш мақсадида ташкил этилди. Нашр муассиси

Маржоний номидаги жамғарма.

Ринат Беккин ҳуқуқшунос, ёзувчи, Москва Давлат халқаро алоқалар институтида дарс беради. У “Аспирантнинг ўлими”, “Муртад”, “Никита Лвовичнинг халоватсиз туни” “Роҳиб Бухайронинг дини” каби қисса ва ҳикоялар муаллифидир.

Islam.ru

Ҳамкорликда ишлаб чиқарилади

Малайзия, Эрон ва Туркия мутахассислари ҳамкорликда қибла йўналишини

кўрсатувчи компас ҳамда Қуръони каримни, жойнамоз, рўмол ва сочиқларни сақлаш учун махсус ғаладонлар билан жиҳозланган янги автомобиллар ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда.

Малайзиянинг “Протон” автомобил концерни раҳбари Саид Зайнул Обидин Техронга сафари чоғида янги автомобилни халқаро бозорга экспорт қилиш мўлжалланаётганини айтди.

Бундай автомобил ишлаб чиқариш ташаббуси эронликлардан чиқди. Халқаро бозорда бунақаси йўқлиги сабабли “Протон” раҳбари эронликлар ташаббусини жуда омадли деб баҳоламоқда.

Bernama

“Олтин минбар” акс-садоси

Шу йилнинг 8-10 декабр кунлари Россия киночилар уюшмаси саройида “Олтин минбар”нинг Москвадаги акс-садоси» кинофестивали ўтказилади. Унда Қозон шаҳрида ўтган халқаро III “Олтин минбар” фестивали ғолиблари ва совриндорларининг филмлари намойиш этилади.

Маълумки, бу йил “Олтин минбар”га дунёнинг эллик мамлакати ижодкорлари икки юздан ортиқ филм тавсия этишган эди. Москвадаги “Акс садо” дастурида “Маҳаллийлар” (режиссёри Рашид Бушариф, Франция – Жазоир – Марокаш – Белгия), “Ип” (режиссёри Нагеш Кўҳинур, Ҳиндистон), “Бобо Азиз” (режиссёри Носир Ҳамид, Швейцария – Германия – Тунис – Венгрия – Эрон – Буюк Британия) ва бошқа қизиқарли филмлар бор.

Islam.ru





САВДО

Салам савдоси

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раҳдул муҳтор» ва «Дуррул муҳтор» китоблари асосида)*

“Салам” сўзи луғатда “олдин ўтган”, “бўлган” маъноларида келади. Истилоҳда эса вақтидан олдин бўлган савдо «салам савдоси» дейилади. Сотувчи қўлида бўлган мол устидаги савдо вақтида бўлган савдодир. Салам савдоси савдо пайтида сотувчи қўлида бўлмаган мол устида бўлади. Бу савдода мол насия, унинг ҳақи нақд бўлади. Салам савдосидан бошқа савдода молни насия қилиш мумкин эмас.

Фақат миқдорини, сифатини аниқ билиш ва ўлчаш мумкин бўлган (сигими, вазни, узунлиги ўлчанадиган ҳамда бири биридан фарқ қилмайдиган, доналаб сотиладиган) нарсаларнигина салам савдоси билан сотиш мумкин.

Салам савдоси жоиз бўлишининг яна бир шарти будир: устида салам савдоси бўлаётган мол савдо пайтида, молни харидорга топшириш белгиланган кунда ҳамда шу икки вақт оралиғида савдо бўлган жой бозорларида сотиладиган бўли-

ши керак. Бу мазкур вақтлардан бирида бозорларда топилмайдиган мол устида салам савдоси мумкин эмас.

Салам савдоси пайтида сотиладиган молнинг жинси (масалан: буғдой), нави (масалан: баҳорги), сифати (масалан: олий), миқдори (масалан: беш тонна), уни харидорга бериш куни (масалан: июлнинг йигирманчи куни), унга тўланадиган пул ё нарса миқдори аниқ айтилиши, шунингдек, уни харидорга бериш жойи ҳам белгиланиши шарт.

Салам савдосида молни харидорга бериш куни бир ойдан кам қилиб белгиланмаслиги керак. Агар бир ойдан кам белгиланса, салам савдоси жоиз бўлмайди.

Шунингдек, бир хил ўлчам билан ўлчанадиган, аммо ҳар хил жинсли молларни ҳам салам савдоси билан айирбошлаш жоиз эмас. Шунга асосан бир тонна буғдой олиб, ўрнига бир ойдан кейин икки тонна арпа бераман, деб келишиб бўлмайди.

Салам савдоси амалга ошириш учун мол эгаси унга тўланадиган пулни савдо жойида олиши лозим. Агар савдо жойида пул тўланмаса ё сотувчи пулни олмаса, салам савдоси ҳисобланмайди. Масалан: бир киши беш тонна буғдойни юз минг сўмга салам савдоси қилиб, савдо жойида эллик минг сўмни нақд тўлаб, эллик минг сўмни кейин бераман, деса, фақат тўланган пулга яраша миқдордаги буғдой устида,



*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

яъни, икки ярим тонна бугдой устида салам савдоси боғланади. Қолган икки ярим тонна бугдой устида салам савдоси ҳисоб бўлмайди.

Харидор салам савдоси билан олинадиган молни қўлига киритмасидан олдин тасарруф қилиши мумкин эмас. Шунингдек, сотувчи ҳам молининг пулини олмай туриб, тасарруф қилиши жоиз эмас. Чунки сотувчи молининг пулини қўлига олмаса, салам савдоси бўлмайди.

Устида салам савдоси бўлган мол уни харидорга топшириш куни келганида йўқ бўлса, харидор истаса, унинг бўлишини кутади, истаса, савдони бузиб, пулини қайтариб олади. Бу ҳолда харидор сотувчидан пулини олмай, салам савдоси бўлган мол ўрнига бошқа мол олиши мумкин эмас. Буни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) буюрганлар.

Молини салам савдоси билан сотган киши уни харидорга топшириш муддатидан олдин вафот этса, белгиланган муддат бекор бўлади. Бу ҳолда харидор салам савдоси бўлган молни марҳум сотувчининг меросга қолдирган молидан, муддатдан олдин, олади.

**Муҳаммад Шариф
ЖУМАН**

Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф НАВАВИЙ

ЖАННАТНИ ИСТАСАНГИЗ

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: “Ким бир мўминни дунё ғамларининг биридан халос қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат ғамларининг биридан халос қилади. Ким ночорга осон қилса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда осон қилади. Ким мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ таоло дунё ва охиратда унинг айбини ёпади. Ким биродарига ёрдам беришда давом этаверса, Аллоҳ таоло унга ёрдам бераверади. Ким илм талабида йўлга чиқса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилади...” (Муслим ва Бухорий ривояти).

“Мусулмонни битта қайғудан халос қилган кишининг нега охиратда ўнта қайғуси кетказилмайди”, деган савол туғилса, бунинг жавоби бундай: Санокқа боғланмасдан айтилган ҳукм унинг оз ёки кўплигини кўрсатмайди. Қиёмат куни ташвишларининг ҳар бири бир қанча вазиятларни, даҳшатларни ўз ичига олади. Улар ўнтадан зиёддир. Бу ҳадисда яна бир латиф ишора бор. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бу ила мусулмон кишини ташвишдан бир халос қилган кишининг ҳаёти яхшилик билан яқунланишига, мусулмон ҳолида вафот этишига башорат этганлар. Чунки кофирга охиратда марҳамат қилинмайди, ҳеч қандай ташвиши ҳам енгиллаштирилмайди.

Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна бундай деганлар: “Амалларнинг энг фазилатлиси бошқаларнинг ҳожатини чиқаришдир”.

Мусулмоннинг айбини ёйиш

қабих ишлардандир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Албатта, имон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир”** (Нур, 19).

Ривоят қилишларича, Аллоҳ таоло Довудга (алайҳиссалом): “Темирдан бўлган битта ҳасса ва иккита оёқ кийими ол ва пойафзал эскириб, ҳасса сингунича илм таҳсилида юр”, маъносида ваҳий туширган.

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бундай деганлари ривоят қилинади: “Куйидаги тўрт нарса учун илм ўрганган киши дўзахга киради: олимлар билан тортишиш учун; нодонларга гердаиш учун; илми орқали молдунё орттириш учун; ва одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилиш учун” (Ҳиндий, “Канзул уммол”).

Хотиржамлик Аллоҳ эҳсон қилган ички бир хузурдир. Аллоҳ таоло бундай дейди **“Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олу”** (Раъд, 28).

Аллоҳнинг қули энг юксак бир жамоат ичида тилга олиниши унинг учун юксак шараф ва фазилатдир. Кишини насаби жаннатга киритмайди. Тоат қилган киши хоҳ ҳабаш бир қул бўлсин, хоҳ қурайш аслзодаси бўлсин, амалига қараб ажр олади. **“Албатта, Аллоҳ наздида энг ҳурматлироғингиз такводорларингиздир”** (Хужурот, 13).

(“Қирқ ҳадис”, Т., “Мовароуннаҳр”, 2005 й, 95–100-бетлар)

БРУНЕЙ ДОРУССАЛОМ ДАВЛАТИ



Майдони 5765 кв.км.
Аҳолиси: 300 минг киши.
Пойтахти: Бандар-Сери-Бегаван шаҳри.
Тузуми: мустақил султонлик.
Давлат бошлиғи: султон.
Пул бирлиги: Бруней доллари.



олиш, уни қайта ишлаш, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш каби тармоқлар ташкил этади. Бруней ўрмонлар мамлакати. Ҳудудининг етмиш беш фоизи қалин нам ўрмонлар билан қопланган. Денгиз кемачилиғи ҳам анча ривожланган. Четга хом нефт ва табиий газ чиқарилади. Хориждан эса оғир машина-созлик ва кимё саноат маҳсулотлари, транспорт ускуналари, тикув моллари, де-

ҳқончилик ва чорва маҳсулотлари, озиқ-овқат харид қилинади. Асосан Оврупа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, АҚШ, Малайзия, Тайланд билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилган.

Брунейда нефт топилиши уни Осиёдаги бой мамлакатлардан бирига айлантириб юборди. «Қора олтин» экс-

Милоднинг ўн бешинчи асрида Борнео ва унинг атрофидаги ороллар бирлаштирилиб, Бруней султонлигига асос солинган. 1888 йилда у Буюк Британиянинг вассалига айланди. 1959 йилги янги конституция Буюк Британияга Бруней мудофааси ва ташқи алоқаларини олиб бориш мажбуриятини юклади. 1984 йили Бруней мустақиллиги эълон қилинди.

Бруней иқтисоди анча ривожланган мамлакат. Халқ хўжалиғи асосини нефт қазиб




портидан келадиган маблағнинг каттагина қисми аҳоли фаровонлигини яхшилашга йўналтирилади. Мамлакатда таълим, соғлиқни сақлаш бепул. Бруней султони Ҳасан ал-Болкиахнинг муҳташам саройидаги сон-саноқсиз хоналар, гаражидаги кўп-лаб қимматбаҳо автомобиллар ҳақидаги шов-шувли мақолалар

матбуотда тез-тез чиқиб туради.

Қишлоқ хўжалигида шоли, палма, каучук етиштириш асосий ўрин тутади. Чорвачилик билан ҳам шуғулланилади.

Мамлакат аҳолисининг олтмиш саккиз фоизини малай халқи, йигирма фоизини хитойлар, қолганини ҳинди ва бошқа майда миллатлар ташкил этади. Бруней ҳудудига Ислом милодий ўн тўрт-ўн бешинчи асрларда тарқалган. 1959 йил конституциясига мувофиқ Ислом давлат дини ҳисобланади. Аҳолининг етмиш фоизга яқини мусулмонлардир. Аҳолининг ўн тўрт фоизи буддавийлар, саккиз фоизи



ди. Мамлакатда ўнлаб муҳташам масжидлар, Ислом университети ва коллежи ишлаб турибди. 1992 йилдан буён ҳар йилги Рамазон ойида султон

Болкиахнинг махсус жамғармаси ҳисобидан ҳар бир мусулмонга махсус қадоқланган хурмо тарқатиб чиқилади. Мамлакат пойтахтидаги жомеъ масжиди Осиёдаги энг йирик ибодатхоналардан биридир.

Шу йили Брунейда энг илғор рақамли технологиялар билан жиҳозланган янги исломий кутубхона ишга тушди. Унда етмиш минг номдаги икки юз

минг нусха китоб, турли исломий нашрлар ва нодир қўлёзмалар, мултимедиа жамланмалари, бир юз ўттиз мингта аслидан нусха кўчирилган китоб бор. Буларнинг тўқсон фоизи араб, қолгани малай ва инглиз тилларидадир. Бруней Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо бўлган.

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 150-151.
2. «Атлас мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 62.
3. «Ислом». Справочник, Тошкент, ЎзСЭ, 1989 йил, 318-бет
4. Интернет сайтлари.



насронийлар, қолган қисми уруғ-қабилла оқимларига эътиқод қилади.

Брунейда Ислом дини равнақига катта эътибор берила-

Аҳмад ТУРСУН



УЧ КАРРА ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

Жоҳилият даврида мушриклар қиз фарзандларидан ор қилиб, тириклай кўмишди. Ўрта асрлар Оврупаси: “Заҳар, қилич, ўлим аёлдан яхшироқдир, чунки у шайтон малайи”, деб эълон қилди. Баъзи халқлар эри ўлган аёлларни мурда билан бирга ўтда ёқишди. Рухиятни тан олмай, моддиятга ҳирс қўйган шаҳватпарастлар аёлни ўйинчоққа, кўнгилхушлик учун эрмакка айлантиришди.

Исломда эса аёлга муносабат буткул бошқача. Ислом аёлнинг қадри ва ҳуқуқларини тиклади, ҳаётдаги ўрнини муҳофаза қилди. Ушбу ҳадиси шариф мазмуни кўпчиликка маълум: “Бир киши Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, одамлар ичида яхшилик қилишимга ким ҳақлироқ?” деб сўради. У зот: “Онанг” дедилар. У киши: “Сўнгра ким?” деб сўради. У зот: “Онанг” дедилар. У киши: “Яна ким?” деди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) яна: “Онанг” дедилар. Ниҳоят, у тўртинчи марта сўраганида: “Отанг” дедилар” (*Имом Бухорий ривояти*). Мазкур ҳадис шарҳида аксар олимлар онага яхшилик қилиш зарурлиги уч бора таъкидланганини аёлнинг ҳомиладорлик ойлари, тўлғоқ дарди ва болани эмизиш даври машаққатлари билан тўғри изоҳлашади. Бу ўринда мавзунинг бошқа бир қиррасига эътиборни тортмоқчи эдик.

Аллоҳ таоло амр этади: “**Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир**” (*Аҳқоф, 15*).

Одамнинг жинсига, ёшига, илму амалига, бой-камбағаллигига, мартабасига мувофиқ келадиган насиҳатни топиб айтиш жуда муҳимдир.

Мавзуга ана шундай тартиб билан ёндашадиган бўлсак, аёл, аввало она бўлишдек салоҳият эгаси қилиб яратилгани учун шукр этмоғи керак. Сўнгра у ҳомиладорлик, туғиш ва эмизиш қийинчиликларида Аллоҳнинг яхшилиги, улуг ҳикмати яширин эканини англасин. Канада қўриқхоналаридан бирида бўғоз бугуларга туғруқ пайтида оғриқни йўқотувчи игна қилишган экан. Буни қарангки, ўша бугуларда туққан болаларига меҳр йўқолиб, уларни эмизмай қўйишбди.

Ҳомиладор аёл тўлишиб, гўзаллашади. Тана-сида қон айланиши, ҳазм аъзоларининг иши яхшиланиши тиббиётда қайд этилган. Оналик ҳис-туйғуси ва бу бебаҳо руҳий лаззат, бўйидаги митти жоннинг юрак уришигача ҳис этиш бахти фақатгина оналарга берилган. Серфарзанд аёлнинг умри узунроқ, кўриниши ёшроқ, ҳаёти мазмунлироқ бўлиши кўп кузатилади.

Эмизиш оналарда қон алмашинувини, овқат ҳазмини яхшилайти. Фарзанд ва она ўртасида шундай бир меҳр уйғонадики, буни фақат оналаргина ҳис эта олади. Ҳали тили чиқмаган гўдак қиз болага қўғирчоқ берсангиз, кучоғига олиб, алла айтишга чоғланади. Бу ҳам Аллоҳ атоло берган фитрий неъматлардан эмасми? Оналаримизга миннатдорлик ила зоҳирий оғриқлар ортида улуг савоблар ва неъматлар борлигини эсладик, холос.

Аллоҳ таоло: “**Агар яхшилик қилсангиз ўзингиз учун яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз ҳам ўзингиз учундир**” (*Ал-Исро, 70*) деб хабар беради. Демак, фарзандларидан уч карра кўп яхшиликни кутадиган она ҳам эрига, болаларига уч марта кўп яхшилик қилмоғи кераклиги ойдинлашади.

Айтиш мумкин, аёл инсониятга яхшилик қилиш борасида уч марта кўпроқ имкониятга эгадир. Бу имкониятни тўғри ишга сола билса, унинг жаннатга яқинлиги ортади. Ахир аёл отага нисбатан фарзандга яқинроқдир. Биз эрақлар келажагимизни аёл бағрига, қўлларига ишониб топшираимиз...

Тарихдан яхши маълум, буюк инсонлар ортида ҳамisha буюк оналар туради. Демак, аёл кишининг масъулияти уч марта шарафлироқ, уч марта кўпроқ ва оғирроқ. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ким уч қиз фарзандини чиройли тарбия бериб, узатса ва яхшилик қилишда давом этса, жаннатда мен билан биргадир. Иккита қизни бўлса ҳам, бир қизни тарбия қилса ҳам”, деб бежиз марҳамат қилмаганлар.

Абдумутал ОТАБОВ,

ЎМИнинг Жиззах вилояти вакили ўринбосари



Болам соғлом бўлсин десангиз...

Бола ҳаёти онанинг қорнидаёқ бошланади. Айнан ҳомила ва чақалоқлик (бир ёшгача бўлган) даври боланинг ривожланиши ва ўсиши учун жуда муҳимдир. Чақалоқ етти ойлик бўлганида миясининг вазни икки баробарга, бир ярим ёшга тўлганида уч барабарга ошади. Бундай тез суръат билан ўсиш кейинчалик юз бермайди. Бу ота-она зиммасида улкан масъулият юклайди. Бўлажак она ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида ўта эътиборли бўлиши лозим. Айнан шу даврда одамнинг барча аъзо ва тизимлари шаклланади. Шу боис тўғри овқатланиш керак, баъзи доридармонларни ичишда эҳтиёткор бўлиш жуда муҳим. Айтайлик, она аъзоларига етарлича йод тушмаслиги оқибатида биринчи навбатда ҳомила, унинг мияси зарарланади. Кутилмаганда бола тушиши, ўлик туғилиши, туғма нуқсон билан дунёга келиши мумкин. Керакли озуқанинг етишмаслиги боис ақлий ривожланиш ҳам жуда орқада қолади.

Тагликсиз яшаса бўлади

Уч-тўрт ойлик бола эҳтиёжлари ҳақида она-сига билдира бошлайди. Бир оз катта бўлгач эса, кийимини ифлос қилмаслик учун чидаб туришга уринади. Албатта, болада бундай сезги табиий докадан ясалган тагликлар ёрдамида шакллана боради. Бола иштонига сийиб қўйса, ўзини ноқулай ҳис қилади, гаши келади.

Тувакка ўтиришга ҳали ёшлиқ қилса, ҳечқиси йўқ, уни қўлингизга олиб тўсинг. Ва, албатта, эришган натижа билан болангизни мақтаб қўйинг. Кейинги сафар сийгиси қистаса, иложи борича бу ҳақда сизга билдиришга уринади.

Туну кун таглик (памперс)ка ўргатилган бола эса, ойлар, баъзан йиллар ўтса ҳам тувакка ўтиришга ўрганолмайди. Маълумки, ҳожатни бошқариш қобилияти гўдаклик чоғларидан шаклланиши маълум. Агар ота-она бу қобилиятни ўстиришга кўмаклашмаса, қобилият сезиларли даражада йўқола боради. Бола ялқов бўлиб қолади. Чунки, таглиги бор-ку, деб она хотиржам бўлади, тарбияни бўшаштиради, натижада бола кийимига бемалол сийиб қўяверади.

Тагликдан бутунлай воз кечинг, деб айтолмаймиз. Чунки унинг ҳам ўзига яраша қулайликлари бор. Масалан, болангизни кўчага олиб чиқмоқчи бўлсангиз, ноқулай шароитда иштонини алмаштириб юрмайсиз.

Ёш оналар оила маблағини ва ўз вақтини тежайман деб болага тақилган тагликни узоқроқ ушлаб туришга ҳаракат қилишади. Болам кечаси яхши ухласин деб битта тагликни кийдириб

қўяди-да, то эрталабгача безовталанмай ухлаганидан қувонишади. Ҳолбуки, таглик хўлни ютгани ва боланинг чоти қуруқ тургани билан, тагликка синган сийдик буғланади ва чотораси майин териларига соатлаб таъсир этади. Натижада у ерга қанча махсус мой суртманг, фойда бермай қўяди.

Фойдали маслаҳатлар

* Кўк чойнинг ошқозон ва ичаклар фаолиятини яхшилашда таъсири қора чойникига қараганда кучлироқ бўлиб, бактерияни ўлдириш хусусиятга эга. Ошқозон ва ичакдаги касаллик қўзғатувчи микробларни ўлдиради, у ерда чириш жараёнини тўхтатади. Кўк чой ошқозон ва ичак йўллари тозалайди.

* Тиш орасидаги кичкинагина овқат қолдиғида 800 миллион микроорганизм мавжуд. Шу



боис тишни бир кунда икки марта: кечки уйкуга ётишдан олдин ва эрталабки нонуштадан сўнг уч дақиқа давомида тозалаш лозим. Ҳар сафар овқат еб бўлганингиздан кейин албатта оғзингизни чайишини унутманг.

* Ҳеч қачон кир совун билан ювинманг, у терингизга шикаст еткази.

* Дастурхонга доим яхши кайфият билан ўтиринг. Негаки, ёмон кайфият билан ейилган таомнинг нафи кам бўлади.

* Агар саломатлигингизни яхши сақламоқчи бўлсангиз, маҳсулотларни дудламанг, қовурманг, фақатгина димланг, қайнатинг, духовкада ёки буғда пиширинг. Қовурилган, ёели таомлар, қандолат маҳсулотлари, пишириқлар, оқ нон, колбаса, дудланган гўштлар каби сунъий ва рафинирланган маҳсулотларни кўп истеъмол қилишдан тийилинг. 50 грамм дудланган колбаса бир қути сигарет каби соғлигингизга зиён қилиши мумкин.

* Олманинг данаги ҳам фойдали бўлиб, унда йод миқдори ниҳоятда кўп. Беш-олти дона олма уруғи киши танасини бир ҳафталик йод моддаси билан таъминлай олади.

Холид Муҳаммад ХОЛИД

АМР ИБН ЖУМУҲ

Амр ибн Жумуҳ Мадинадаги Бани Салом қаби-ласида таниқли киши эди. Ақоба сулҳида қатнаш-ган ансорий Муоз ибн Амр унинг ўғли, жасур ва ҳақиқий мўмин йигит эди. У Ясриб аҳлини Ислом динига даъват қиларди.

* * *

Қабиладагилар катта бутларга сифинишарди. Қабила етакчилари орасида қўлларида рамзий бутларни кўтариб юриш ҳам урфга кирган эди.

Амр ибн Жумуҳ қабила йўлбошчиси бўлди. Бир куни у ҳам бут ясади ва унга “Манаф” деб ном берди.

Ўғли Муоз отаси ясаган бутни масхаралаб, ус-тидан кулди. Ярим тунда бутни олиб, одамлар чи-қинди ташлайдиган чуқурга отиб юборди.

Амр уйғониб, Манафни топа олмади. Бутнинг чуқурда ётганини кўргач, ғазабланди: “Бу кеча илоҳимизга ёмонлик қилишга кимнинг ҳадди сиф-ди?” дея гудранди. Сўнг бутни тозалади, унга атир-лар сепди.

Эртасига яна ўтган тундаги воқеа такрорланди.

Вазиятни кўрган Амр қиличини Манафнинг бўйнига тиради ва: “Агар сенинг бирорта хайрли хислатинг бўлса, ўзингни ўзинг муҳофаза қил”, деди.

Эрталаб уйғониб яна бутни жойидан топа ол-мади. Бу сафар бут ўлган ит жасадига пишиқ ар-қон билан боғланиб, чиқинди ўрасига ташланган эди. Амр ибн Жумуҳ ғазабланиб, ўзини кўярга жой

тополмади. Шунда баъзи мусулмон-лар унга бундай дейишди: “Аллоҳ таоло яккаю ягона буюк ва тенг-сиз зот. Муҳаммад (алайҳиссалом) инсониятни ҳидоятга бошлаш учун юборилган пайғамбардир. Ислом дини эса, инсониятни барча ки-шанлардан озод этиш, Аллоҳ ну-рини қалбларга солиш учун туши-рилди”.

Кўп ўтмай Амр ибн Жумуҳнинг кўзи очилди.

Ювиниб-артинди, кийимлари-ни тозалади, мушк-анбар сепди. Сўнг бошини тик тутиб, қалби хузурга тўлиб, охирги Пайғамбар-га имон келтириш ва мўминлар қаторидан жой олиш учун йўлга тушди.

* * *

Шундай савол туғилади: “Амр ибн Жумуҳ сингари қавмининг етакчилари шу даражада содда



эдиларми? Нима учун улар кучсиз бутларга сифинишарди? Нега ақлу заковат уларни бундай бемаъни ишлардан қутқара олмаган? Мусулмон бўлганларидан сўнг уларни улуг инсонлар сифатида тилга олишимиз сабаби нима?

Тахтадан бут ясаб, унга сифинишни ҳатто болакайнинг ақли ҳам қабул қилмайдиган бугунги замонда бундай саволлар бериш осон, албатта. Аммо ўтмишда бу одатлар чуқур илдиз отган, уларга қарши ғоя-тушунча йўқ эди. Шайтон одамларни ботил бутларга асир қилган эди. Қадимги Афина бунга мисол. Яъни, Пифагор, Суқрот замонасидаги Афинани олинг...

Бу даврда фикрий юксакликка эришилган бўлса-да, жамият афсонавий “худолар”-га, уларнинг ҳайкалларида сифинарди. Яъни, ақидавий дунёқараш ақлий юксаклик билан ёнма-ён ривожланмаган эди.

* * *

Амр ибн Жумуҳ қалби ва ҳаётини оламлар Парвардигори — Аллоҳ йўлига бағишлади. Ислому унинг табиатидаги сахийлик ва яхшилик фазилатларини кучайтирди. У бутун мол-мулкни дин йўлида, мусулмонларнинг эҳтиёжларига сарф этди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мажлисида Амр ибн Жумуҳ қабилиси — Бани Саломга бундай савол бердилар:

— Эй Салом ўғиллари! Раҳбарингиз ким?

— Ибн Қайс, у хасис инсон.

Расулulloҳ дедилар:

— Хасисликдан ҳам тубанроқ касаллик борми? Энди раҳбарингиз жингалак сочли, оқ юзли Амр ибн Жумуҳ бўлади.

Бу Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонидан Ибн Жумуҳга берилган юксак баҳо эди.

Ансор шоирлардан бири бу хусусда бундай ёзган:

*“Амр ибн Жумуҳ — сахий, эҳтиромга эришди,
Лойиқ бўлгани боис мартабага етишди.*

Сўраган ҳар кишига у молидан берарди:

“Олавергин, эртага яна келади”, дерди”.

Амр ибн Жумуҳ молини Аллоҳ йўлида сарфлаганидек, ҳаётини ҳам шу йўлга бахшида этишни истарди.

Ногиронлиги боис жанглarda иштирок этолмасди. Бироқ унинг тўрт нафар фарзанди жанглarda доимо Расулulloҳ билан бирга бўлишди.

Ибн Жумуҳ Бадрга чиқмоқчи бўлди. Аммо фарзандлари Расулulloҳдан уни чиқмасликка кўндиришни илтимос қилишди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга рухсат берилмаслигини айтдилар Амр ҳарчанд сўзида қаттиқ туриб олса-да, Расулulloҳ унга Мадинада қолишни буюрдилар.

* * *

Уҳудга тайёргарлик бошланганида Амр яна рухсат олиш учун Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб: “Эй Аллоҳнинг элчиси, ўғилларим менинг сиз билан бир сафда бўлишимга қаршилик кўрсатишяпти. Валлоҳи, мен шу ҳолимда жаннатга киришни истайман”, деди.

Илтимос қатъий бўлгани учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга рухсат бердилар.

* * *

Ниҳоят, Уҳуд куни икки қўшин юзма-юз келди. Амр ибн Жумуҳ ўғиллари билан ёнма-ён зулмат ва ширк аскарларига қарши курашаркан, гарданига шиддатли зарба тушди. Жангдан сўнг мусулмонлар майитни дафн этишар экан, Расулulloҳ бундай дедилар:

“Абдуллоҳ ибн Амр билан Амр ибн Жумуҳни битта қабрга қўйинг. Улар дунёда бир-бирларини яхши кўришарди”. Икки қадрдон дўст қаҳрамонона ҳалок бўлишгач, уларнинг пок таналарини битта қабр бағрига олди.

* * *

Дафн этилганларидан сўнг қирқ олти йил ўтгач, мазорларини сел ювиб кета бошлади. Мусулмонлар шаҳидларнинг жасадларини кўчиришга шошилишди. Кўчиришда иштирок этганлар: «Уларнинг таналари юмшоқ, қўл-оёқлари бус-бутун эди”, дедилар.

Ўша вақтда саҳобийлардан Жобир ибн Абдуллоҳ ҳаёт эди. У болалари билан отаси Абдуллоҳ ибн Амр ва аммасининг эри бўлган Амр ибн Жумуҳнинг жасадларини кўчирди. Икки дўстни қабрларида гўё уйқуга кетгандек ҳолатда кўришди.

Ер уларнинг танасини чиритмаган, сўнгги нафасларидаги шодлик табассуми ҳалигача юзларидан кетмаган эди...

Гулсара СОАТХОНОВА
таржимаси

Илоҳи, дилимдан доғларни кетказ,

Муқаддас САЛОМОВА

Ўткинчи дунё

Бандасига синов эрса-да дунё,
Осонгина яшаб ўтмоқ истаймиз.
Ҳаётнинг мазмунин билгандек гўё
Яшаш қоидасин “боплаб” тузгаймиз.

«Олий ҳакам» деймиз вақтни барчамиз,
Қадрламоқ бўлар ҳар ким ўзича.
Илм излаб, олим бўлдик қанчамиз,
Кимдир шуҳрат топди халқнинг кўзича.

Яшаш шу экан деб ортга қарамай,
Бойликлар ортидан қуваверибмиз.
Ўзганинг корига бир бор ярамай,
Худбинлик сайрида кўкрак керибмиз.

Қарз бериб турамиз яхшиликни ҳам,
Соҳталиқ занжирин уза олмаймиз.
Кўзимизда қалқиб турган меҳрдан
Бир ширин далда сўз туза олмаймиз.

Кўнглин овлолмаган бир дўстимизнинг
Видолашув они келдик қошига.
Кўзлар очилмайди, бошлар урилар,
Афсус-надоматнинг қаттиқ тошига.

Мансаб отидаги киборлар учун
Соатлар, кунларни этдик армуғон.
Йўлимизга муштоқ термулган маҳзун.
Волидадан хабар олдик, айт, қачон?

Тонг отди

Энг баланд шоҳдаги сарғайган япроқ
Тўкилмай яна бир тонгга очди юз.
Кимдир янчиб ўтган майса ҳам бу чоғ
Нурдан шифо топиб, кўкка тикди кўз.
Тонг отди...

“Кўзимни очолмай қолсам-а?!” деган
Тун бўйи қўрқинчли бўзариб бедор,
Офтоб чиқишини кўрмоқ истаган
Ёғдудан кўзлари қамашган бемор...
Тонг отди.

Юракка азобли оғриқлар солган
Туннинг андуҳлари сўкилар энди.
Гина-кудуратлар ўрнини олган
Кўзлардан бир меҳр тўкилар энди.

Тонг отди.
Очиқ дарвозадан кирди барака,
Чиннидек ярқирар айвоним, хонам.
Саҳарги тилаклар бахтнинг дараги,
Дуога қўл очар нуроний онам...

Шофиркон

Султон ЭРГАШ

Соғинчинг ўртайди

Тугмамни қадолмай игнани букдим,
Овқатим сузолмай ерларга тўқдим;
Йиғладим, йиғладим, ёшимга чўқдим,
Соғинчинг ўртайди, унутолмайман.

Ўзимдек эзилган кийимларимни,
Тополмай сочилган буюмларимни,
Не қилай ғам-ғусса уюмларини?
Соғинчинг ўртайди, унутолмайман.

Секин одимлайман, сокин қабристон
Сени яширади кўзимдан ҳамон.
Кўзда ёш, дил эриб ўқийман Қуръон,
Соғинчинг ўртайди, унутолмайман.

Юрагим сен сари интилар доим,
Сени ёдга солар кўёшим, ойим.
Жаннатда бирга қил бизни, Илойим,
Соғинчинг ўртайди, унутолмайман.

Жойнамоз бағрида

Жойнамоз бағрида гуллар бир чаман,
Гулзорда капалак каби учаман.
Ҳажарул Асвадни гўё қучаман,
Қушдекман, бамисли остимда саман.

Намозим очилган қизил гул бўлса,
Таҳорат тоҳир сув унга қуйилган.
Оятлар беҳато, равон ўқилса,
Савоби ҳам кўпдир тоғдек уйилган.

Саждамда кўринар икки дунё ҳам,
Фонийни, боқийни қилибди обод.
Зоемас қилинган ихлос, ражо ҳам
Коинот Заргарин қилсам ҳар кун ёд.

Намозда шайтонга қулоқ солмайман,
Тирикман саждадан асло толмайман.
Ҳидоят йўлига солдим пояндоз,
Бу менинг манглайим ўпган жойнамоз!



Чаманимга кўнган зоғларни кетказ...

Абдуқодир УСНАДДИНОВ

Шукрингни қил яхшироқ

Кўп неъмат берди Аллоҳ,
Қадрига етмадинг гоҳ,
Фафлатда кездинг узоқ,
Фикрингни қил яхшироқ.



Замон ноқулай дединг,
Панароқ юрай дединг.
Панада йўқми тузоқ?
Фикрингни қил яхшироқ...

Зулм кўрдинг жоҳилдан,
Панд эшитдинг оқилдан.
Ибрат олмадинг бироқ,
Шукрингни қил яхшироқ.

Эртамга ярайди деб
Уй-жойингга бердинг зеб.
Қалбингни унутдинг, воҳ,
Шукрингни қил яхшироқ...

Хўжайли

Сайёра САМАНДАРОВА

* * *

Илоҳи, дилимдан доғларни кетказ,
Чаманимга кўнган зоғларни кетказ.
Насиб эт мусаффо, рост лаҳзаларни,
Чинман деган ёлғон чоғларни кетказ.
Яхшилиқлар илиндим, билмади дўст,
Ер бўлдим, осмонлик қилмади дўст,
Озор берди, озорни тилмади дўст,
Зўрман деган ёлғон тоғларни кетказ.
Термулиб боққан шу қороғларим рост,
Кўксимда қонаган яроларим рост,
Рост сўзни истадим, сўроғларим рост,
Ҳузуримдан ёлғон боғларни кетказ.
Рухимни огоҳ эт биёбонлардан,
Хазонга юз тутган ошиёнлардан,
Илоҳи, жой бергил пок осмонлардан,
Илоҳим, ёлғон нигоҳларни кетказ!

* * *

Эй дунё,
Йиғидан қулоқларинг кар,
Кимлар йиғламаган ерга бош уриб.
Шикаста кўнгиллар фарёд этсалар,
Тингламоқ оғирдир жимгина туриб.



Фарзанд илинжида йиғлайди аёл,
Ярадор кўксингга бошини кўйиб.
Аллоҳ карам қилса — рўёбдир хаёл,
Гўдагини босар бағрига тўйиб,
Йиғи тинади.

Хиёнатдан дили қон бўлган аёл,
Йиғлар, Ҳақдан имлод тилаб кечалар.
Кунлар даво солиб ўтар қалбига,
Аёл кўникади, аёл кечирар, —
Йиғи тинади.

Фақат бир йиғи бор фарёдлар ичра,
Ҳасрати жаҳонни олов қилгуси.
Дунёда энг оғир фарёд бўлади
Ўғли ташлаб кетган она йиғиси!
Бу йиғи тинмайди,
Тинмас бу йиғи...

Маҳмуд ТУРСУН

Бир Сени паноҳ билдим...

Кўргувчи Ўзингдирсан,
Билгувчи Ўзингдирсан.
Бандага сўраганин
Бергувчи Ўзингдирсан

Сен Қодир Зот, Сен Аҳад,
Ўзинг Боқий, Азал, Абад.
Ишингда ҳеч хилоф йўқ,
Сендан тавфиқ, мағфират...

Тавба холис бўлса гар
Гуноҳларни кечарсан.
Ҳамма Сенга муҳтождир,
Ҳар мушкулни ечарсан.

Шайтон лаин макридан
Ўзинг асра бизларни.
Нафс хуружи-заҳридан
Ўзинг сақла бизларни...

Маҳмуд кўп гуноҳ қилди,
Бағрини бир оҳ тилди.
Илтижо этдим Сенга —
Бир Сени паноҳ билдим...

Тошкент



лар, кўплаб чорва моллари, уй жиҳозлари, сон-саноксиз кийим-кечакларни сеп қилишлари мумкин эди. Бутун Мадина аҳлини, ҳатто бошқа ўлкалардан меҳмонларни чорлаб шоҳона тўй қилиб беришлари мумкин эди. Аммо у зот (алайҳиссалом) бундай қилмадилар. Чунки бунга ахлоқлари йўл қўймас эди, дину диёнатлари ижозат бермас эди. Аксинча йўл тутиб, қизлари ва кувёлларини камтарликка чақирдилар, буюк қаноатга йўлладилар.

Аллоҳнинг суюкли Пайғамбарига (алайҳиссалом) уммат бўлган бизлар бутун у зотдан ўрناق оляпмизми? Афсуски, бизда кўша-кўша жиҳозлар, беҳисоб кийим-кечакларни сеп қилиш, тўйларни серҳашам, дабдали қилиб ўтказиш урф бўлаётир. Бундан кўра фарзандларимизнинг бахт-

БУЮК ҚАНОАТДАН БУЮК ДАРСЛАР

Бойлик, пул топиш орзусида ҳаловатини йўқотганларни кўрсам, “Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) оила аъзолари, саҳобийларнинг ва тобеинларнинг ҳаёт тарзлари кўз олдимга келаверади.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қизлари Фотимаи Заҳрони турмушга узатишларида Ҳазрати Алидан: “Маҳрига ниманг бор?” деб сўрадилар. Ҳазрати Али “Ҳеч нарсам йўқ, эй Аллоҳнинг расули”, деди. “Хутамийя совутинг қани?” дедилар Пайғамбаримиз. “Ўзимда, эй Аллоҳнинг Расули”, деди Ҳазрати Али. “Ўшани бер”, дедилар Пайғамбаримиз (алайҳиссалом). Совут Усмон ибн Аффонга тўрт юз етмиш дирҳамга сотилди. Бу пулга атир-хушбўйликлар, келинга бир сидирга кийим олинди. Саъд ибн Муоз қўй олиб келди. Саҳобалар жўхори ва бошқа егуликлар топишди. Пайғамбарнинг суюмли қизлари Ҳазрати Алига жуфт бўлди (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Ҳаннод Динаврий Шаъбийдан бундай ривоят қилади: “Ҳазрати Али айтадилар: “Муҳаммад (алайҳиссалом) қизлари Фотимага уйланганимда бир қўй териси (пўстак)дан бошқа тўшагимиз йўқ эди. Кечаси устида ухлар эдик.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг “Агар хоҳласангиз, тоғларни олтинга айлантириб бераман”, деган лутфига ноил бўлган зот суюмли қизларига кўша-кўша кўрпа-тўшак-

саодатини, уларнинг инсоф-имонини ўйласак яхши эмасми?

Расулulloҳ камтарона, фақирона яшар эдилар. Тобеинлардан Урва ибн Зубайрнинг ривоят қилишича, Ҳазрати Оиша жияни Урвага Хужраи саодатда қандай яшаганлари ҳақида бундай деган: “Расул (алайҳиссалом) уйларида кўпинча қозон осилмасди. Емагимиз асосан хурмо ва сув бўларди. Расулulloҳнинг ансорий қўшнилари баъзан бизга сут келтириб беришарди. Биз шуни ичардик”.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Мадинада масжидга ёнма-ён қурилган хужраларда пок аёллари билан яшар эдилар. Ҳасан ибн Али (розийаллоху анху) айтади: “Усмон халифалиги даврида Пайғамбар (алайҳиссалом) хотинлари яшаган хужраларга кирсам, қўлим шифтларига тегар эди”.

Валид ибн Абдулмалик замонида бу хужралар масжидга қўшиб юборилди.

Саид ибн Мусаййид айтади: “Агар бу хужралар бузилмасдан, асл ҳолида қолдирилганида эди, дунёнинг хазина қалитлари қўлларида бўлган Ҳазрати Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаёт тарзларини одамлар ўз кўзлари билан кўришар эди”.

Саҳобалардан Салмон Форсийнинг дунёдан беҳожатлиги, хокисорлиги, зоҳидлиги ҳаммани ҳайратга солади. Унинг бисотида овқатланадиган лагани ва сув ичиб, таҳорат оладиган идишидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Шунга қарамай, у ўзи-

ни бадавлат ҳисобларди. У Мадинага амир қилиб тайинланганида ҳам ҳолати асло ўзгармади. Йилига амирлиги учун унга берилган тўрт мингдан ортиқ пулнинг бир дирҳамини ҳам олмас, ҳаммасини одамларга тарқатиб юборар эди. Ўзи эса сават тўқиб тирикчилик қиларди. Бу ҳақда ўзи бундай ҳикоя қилган: “Бир дирҳамга похол сотиб олиб, унга ишлов бераман, сават тўқийман, кейин уни уч дирҳамга сотаман. Бир дирҳамини яна хомашёга сарфлайман, бир дирҳамини оиламга нафақа қиламан, қолган бир дирҳамини садақага бераман. Мени халифа Умар ибн Хаттоб қайтарса ҳам буни тўхтатмайман”.

Бир куни Салмон Форсийга йўлда Шомдан келаётган, анжир ва хурмо кўтарган бир киши йўлиқиб қолади. Юк шомликни қийнаб, ҳолдан тойдирган эди. У рўпарасидан чиқиб қолган эски кийимли, камбағал кўринган бу одамга “Юкимни элтиб берсанг, ҳаммолик ҳақингни бераман”, деди. Салмон шомликнинг юкини кўтариб йўлга тушди. Улар кетиб боришар экан, бир тўп одам учраб қолди. Салмон уларга салом берган эди, улар: “Амирга салом бўлсин”, деб алик олишди. “Амирга салом бўлсин? Улар қайси амирни назарда тутишяпти?” деб шомликнинг боши қотди. Йўловчилардан баъзилари Салмон томонга чопиб, “Бизга беринг, эй амир”, дейишганида унинг ҳайрати янада кучайди.

Шомлик киши ёллаган ҳаммоли Мадина амири Салмон Форсий эканини билгач, қўлидан мажол кетди, лабларидан афсус ва узр калималари уча бошлади. Унга яқинлашиб, юкини олмоқчи бўлувди, Салмон рад этиб, бош силкиди ва: “Манзилинга олиб бориб қўймагунимча бермайман”, деди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг халифалик йилларида мамлакатда очарчилик юз берди. Ана шундай ночор кунларнинг бирида Ҳазрати Усмон Шомдан кўп миқдорда бугдой ортилган карвон билан қайтди. Бундан хабар топган бадавлат савдогарлар катта фойда эвазига бугдойга харидор бўлишди. Бироқ Ҳазрати Усмон уларнинг таклифини рад этди. Шунда барча савдогарлар бирлашиб, халифа Абу Бакрнинг ҳузурига арз қилиб боришди ва Ҳазрати Усмоннинг олдига бошлаб келишди. “Эй Усмон, нега бугдойларингни сотмаяпсан, ахир юртимиздаги қаҳатчиликни кўриб турибсан-ку”, деди халифа. “Улар айтган баҳо жуда кам, мен эса бугдойимнинг ҳар донасига мингта олтин берадиган харидор топдим. Бугдойларимни Унга сотаман”, деб жавоб берди Ҳазрати Усмон ва бугдойининг ҳаммасини Аллоҳ йўлида фақирларга улашди.

Аҳмад МУҲАММАД

ГҶДАК ҲИДИ

Ҳомиладор бўлганимдан севинмадим. Эримга, уйдагиларга сездиргим келмасди. Билганларида ҳам айтганимни қиладиган даражада қайсар эдим. Аммо бир-икки ой ўтиб, дўхтирлар олдига борсам, вақт ўтибди, энди мумкин эмас, дейишди. Уни йўқ қилишнинг бошқа йўллари кидирдим. Бўлар-бўлмасга оғир юклар кўтардим, уй жиҳозларини у ёқдан-бу ёққа сурдим...

Булар фойда бермагач, энди дорилар ичдим, уколлар қилдим. Аммо ҳомила кун сайин улғайиб борарди. Кўзим ёришига яқин қолган кезлар хавотирдан бошқа чора излай бошладим. Энди тирноққа зор бирор оилага бериб юборишни мўлжалладим. Бир аёлни топдим, келишиб олдик. Ниҳоят, ўзимни бир оз енгил хис қилдим.

Ой-куним етиб, қиз кўрдим. Қутулиб олганимга шукр қилдим. Аммо... чақалоқни илк бор бағримга беришганида, ич-ичимдан алланечук туйғу отилиб чиқди. Кўксимдан сут оқди...

Ҳамширалар чақалоқни эмизишим учун олдимга олиб келишганида ўзимда шу пайтгача кўринмаган бир меҳр билан унга кўкрак тутдим. Қорни тўйди, шекилли, ширингина бўлиб ухлаб қолди. У кўксимда ётарди. Гўдакнинг ширин ҳиди димоғимга урилди. Кўзларимга ёш келди. Мен шу жажжигина вужуд ширин чақалоқни ўлдирмоқчи бўлдимми?! Наҳотки шу қадар тошмеҳр бўлсам?! Қилган ишларимни ўйлаб, қаттиқ изтиробда қолдим. Чақалоққа қарайман-у, ич-ичимдан йиғи келаверади. Ўзимни ҳеч босолмадим. Ҳамшираларга чақалоқни бир муддат олиб чиқиб кетишларини илтимос қилдим. Палатадагилар ҳайрон. Улар чақалоғимга қилган зугумларимни билишмасди...



МУАТТАР,
Ғузор тумани

УМИД КЎПРИГИ



Канал сувининг ҳайбати баҳорда билинади. Тўлқинлар атрофга тошмоқчидай қирғоққа урилади...

Қирғоқ бўйидаги уйлар кеча-кундуз хавфдан зийрак ётишади: болаларни кўздан қочирмайди, уларнинг қий-чувларини икки қулоқлари тўрт бўлиб эшитишади. Гоҳ-гоҳида қишлоқ аҳли орасида ваҳимали хабарлар ўралайди:

“Анавини боласини оқизиб кетибди”.

“Манавини сигири тушиб кетибди”.

“Ҳов анави қишлоқдан оққан бола шоввадан топилибди”.

Аёл кўприкка тегиб-тегмай оқаётган сувга термулиб тураркан, бу қишлоқ аҳли ҳар кунги бунақа хавотирлардан эси оғиб қолмаганига лол қолди. Уларнинг сабр-бардошига, иродасига таҳсин айтди. Бир нуқтага тикилавериб чарчаган кўзлари анчайин қизарган, ҳатто ҳозир кипри-

гини бир қоқса, ундан ёш думалайди. У ҳам ўзига сўз берган эди: улар каби бардошли, тоқатли бўлишга...

Ҳар галгидай яна эплаёлмади.

Кўприк бўйи бўлиб оқаётган сув унга яна нималарнидир қайта эслатди. У иродали аёл бўлмоқчи эди, яна бўлмади. Юзидан ёшлар сизилиб-сизилиб оқа бошлади. Тизгинсиз хаёллари уни анча вақт мум тишлатди. Аммо яқинидаги сув шовқинига ҳамоҳанг чувиллашиб бақир-чақир қилаётган икки боланинг жанжали унинг хаёлларига нуқта қўйди. Бир зум уларга тикилиб қолди.

“У ёнимда бўлганида... укалари билан шунақа жанжал қилармиди...”

Болаларнинг жанжали кучайди. Бир-бирини итариб, муштлаша кетди. Каттароғи кичкинасини ерга йиқитди. Сўнг нарироқ бориб кийимларини ечди. Кўприкдан ўзини сувга ташлашга чоғланди. Шу пайт аёл шошиб қолди. Жон ҳолатда югурди, қандай қилиб болани узоққа итариб ташлаганини ҳатто билмай қолди. Аёл хушига келганида бола ерда узала тушиб ётарди. Унинг қўлидан тутмоқчи бўлди. Аммо бола силтаб ташлади. Аёл титраган қўлларини ҳавода айлантирганича жим қолди. Каттароғидан калтак еб йиқилган бола аллақачон ўрнидан турган, бир аёлга, бир дўстига ҳайратланиб қарар эди. Нима бўлганини тушунмай, бир оз муддат серрайиб қолди. Сўнг югуриб дўстини турғазди. Нарироққа отиб юборилган кийимларини олиб келди. Яланғоч бўлгани учунми у ер-бу ери шилинган, қонаган эди. Аёл хавотирланиб, бола томон юрди. Аммо болалар ундан қочишди. Олди-орқасига қарамай яқинроқдаги уйларнинг бирига кириб ғойиб бўлишди. Аёл болаларни кўрқитиб юборганини билди. Аслида ундай иш қилмоқчи эмасди у.

Аёл кўприкда алламаҳалгача турди. Ўтган-қайтган унга анграйиб қарайди. Шом азони хаёлларини бўлди: кўприкка яқинроқдаги бир уйга қараб қўйди. Уйнинг чироғи ёқилгач, ўша томон юра бошлади. Ҳали дарвозага етар-етмай, қулоғига таниш овоз эшитилди. Атрофига боқди. “Бу овоз кимники? Уни қаерда эшитган эдим?...” У қанча эшлашга уринмасин, овоз эгасини таниёлмади. Қоронғуликдан бир аёл чиқиб келарди. “Исми нима эди... Эсим кўрсин... ҳа, ҳа... эсладим, анови аёл, ўша кунни ёрдам берган... ахир ҳар йили шу уйга кириб хабар олардим, у менга доим ёрдам қиларди...” Аёл унинг исмини эслаёлмай қийналиб кетди. Қаршида келаётган аёл кучоқ очиб уни бағрига маҳкам босди. Йиғлади. Аёл ҳам йиғлади.

“Боя ўғлим, бир аёл кўприкда анчадан буён турибди, деб айтувдия... Хаёлимга бир сиз кел-

диз-у... қаранг, ишга чалғиб, унутибман... Ҳозир яна айтувди, ҳойнаҳой сиз бўлсангиз керак, деб биргалашиб чиқаётганидик...”

Аёл унинг исмини энди эслади. Ҳар сафар шу ерга келганида унинг уйида қўним топар эди. Кенг, самимий қалбидан таскин олади. Руҳланади. Бугун ҳам у яна шафқатга, таскинга муҳтож ҳолда унга мунгайиб қараб турарди.

“Ўтган бир йил ичида бирорта хабар бўлмади. ҳеч ким топилмади. Дарак ҳам бўлмади... Сабр қилинг, ўлганидайди, топилган бўларди...”

Аёл лабларини тишлаганича, тинимсиз бош силкийди, кўзларидан дув-дув ёш оқади.

“Бугун қололмайман, уйга қайтишим керак. Кеч қолдим, уйизга бошқа сафар қираман... Ўн йилдан бери бир илинж кутиб яшайман. У ўн ёшга улғайди. Энди уни танимасам ҳам керак... Чиройли, келбатли йигит бўлгандир худди сизнинг болангизга ўхшаб...” Аёл нарироқда уларга тикилиб турган йигитга ишора қилди. Улар яна кўприқда хайрлашишди. Аёл тез-тез юриб кўздан ғойиб бўлди.

Йигит ҳеч нарсага тушунолмади, аясига қарайди.

“Кўприқда соатлаб турди-я... Кейин кўшнимизнинг ўғли чўмилмоқчи бўлиб ўзини сувга ташламоқчи эди, итариб юборди... ғалатироқмие-ей... Телбароқ шекилли-а, ая... Сиз бу телба хотинни қаердан танийсиз?...”

Аясининг бирдан ғам тортиб қолганини кўрди:

“У телба эмас, ўғлим... У она. У жигарбандини тириклайин йўқотган бечора она... Ўн йил олдин ўғли шу ерда йўқолган. Ўша кун ҳамон ёдимда...”

Аяси бир зум кўприқдан сувга тикилганча жим қолди. Йигит воқеанинг давомини эшитиш илинжида унга яқинлашди.

«Кечки пайт дарвоза қаттиқ тақиллади. Ҳаммамиз, сен олти яшармидинг, ҳар қалай сени мактабга берсакмикан, деб бошимиз қотиб турувди-да... уканг, синглинг, ҳовлидаги сўрида овқатлангани ўтирувдик. Даданг дарвозани очиб, ташқарига чиқди. Аллакимлар билан узоқ гаплашиб қолиб кетди. Аёл кишининг йиғи-сиғи қилганини эшитдим. Хавотирланиб чиқаётсам, даданг нотаниш эркак билан аёлни уйга олиб кирди. У ниҳоятда мажолсиз эди, кўзлари йиғлайверганидан киртайиб, қизариб кетган. У бизнинг қишлоқ аёлларига ўхшамасди. Ниҳоятда чиройли кийинган. Ўзи ҳам чиройли эди. Тақинчоқлари ҳам ўзига жуда ярашган. Аммо...”

Аёлни сўрига амаллаб ўтказишди. Даданг билан бояги эркак, аёлга кўз-қулоқ бўлиб туринглар, деб уйдан чиқиб кетишди. Аёл эса сўри четига суянганича лом-лим демай қотиб ўтиравер-

ди. Ҳеч биримиз унга сўз айтишга ботинолмадик. Икки-уч соатлар ўтиб, дарвозадан даданг бояги эркак билан кириб келди. Шу он аёл сапчиб ўрнидан турди-да, эркак олдиға борди. Бир оғиз сўз демай, унинг кўзларига тикилиб тураверди. Эркак: «Кечқурун сувни тўхтатишнинг иложи йўқ экан...» дейиши билан аёл дод-вой қила бошлади:

– Болам эрталабгача сувда қоладими... Уни сиз олиб чиққандингиз...

Аёл йиғлаб ҳовлини бошига кўтарди. Эркак серрайганича жим тураверди. Аёл унинг оёқлари остига йиқилди. Уни турғизмоқчи бўлиб чўзилган қўлларни силтаб ташлайверди. Ҳеч ким унга яқинлаша олмади. Бир муддат ўтиргач, у ўрнидан туриб, ташқарига отилди. Даданг билан юғуриб орқасидан чиқдик. Аёл канал томон югурарди. Кўприққа етар-етмай уни ушлаб олдим. Мени ҳам итариб юборди. Аммо мен уни бағримга қаттиқ босдим. Ўкириб-ўкириб йиғлади, бечора...»

Йигит аясининг овози қалтириб кетганини сизди.

«Иккимиз ўшанда қанча вақт қолиб кетдик, билмадим...»

Ҳаммасини шу ерда айтиб берди. Ўғли дадаси билан чўмилгани келган экан. Дадаси айтишча, ўғлини сув оқизиб кетганмиш. Дадаси қутқармоқчи бўлибди, аммо уддасидан чиқа олмабди. Ўшанда ҳам сув шунақа кўп бўлган экан...

У эртасига сой сувини ҳам тўхтаттирди. Уч-тўрт қишлоққача қидиртирди. Аммо шўрлик аёл боласини на ўлигини, на тиригини тополди...

Сен оналар меҳрини, улар қалбини тушунмайсан, ўғлим».

Аяси йигитни елкасидан маҳкам кучди.

«Аканг ўлганида мен ҳам бир йилгача шунақа ғалати, сен айтмоқчи, «телба» бўлиб қолганман. Худо сени, укаларингни бергач, бир оз дардим ариган. Оналар шунақа, болаларини йўқотишса ёки улар келмай, узоқлаб кетишса ёки улар вафот этишса, шунақа ғалати бўлиб қолишади. Фақат йиллар уларни даволайди. Аммо бу аёлни йиллар ҳам даволай олмади... Чунки у ҳалигача жигарбандининг ўлигини кўрмаган, қидириб ҳам тополмаган. Шу боис умид билан яшайверади... Ҳар йили баҳорда, ўғли баҳорда туғилган эди, шу ерга келиб уни қидиради. Хабар кутади. Унга Худо тўзим берсин, ишқилиб...»

Йигит бошини қуйи солганича кўприқдан сувга тикилди. Сувнинг шовқини вужудини илк марта қаттиқ титратиб юборди.

РАЙҲОНА,
Андижон

БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъати жавоб беради

Савол. Рўза ҳайити ўтганидан сўнг қурбонликка сўйиш нияти билан бир қўй сотиб олган эдим. Аммо у касалланиб қолди. Уни сўйиб, гўштини сотиб, бошқасини олсам бўладими? Қурбонликка доир бошқа ҳужмларни ҳам баён этсангиз...

ШУКРУЛЛОХ
Чироқчи

Жавоб. Ҳа, бўлади.

Қурбонлик қилиш муқим, ҳожати аслиядан ортиқча молларининг қиймати кумушнинг закот нисобига етган кишига вожибдир.

Қурбонлик учун қўй, сигир, туя каби ҳайвонлар сўйилиши мумкин. Етти киши биргаликда сигир ва туяни қурбонлик учун сўйишлари мумкин. Уларнинг бари мусулмон ва бой, қурбонлик қилиш ниятида бўлишлари керак. Шунингдек, қурбонлик гўшти улар ўртасида килолаб тенг тақсимланиши шарт.

Қурбон ҳайитининг биринчи куни ҳайит намозидан сўнг то ҳайитнинг учинчи куни шомгача қурбонликни сўйиш мумкин. Кишига қурбонлик қилиш вожиб ё вожиб эмаслиги унинг ҳайитнинг учинчи куни охирига пайтдаги аҳволига кўра маълум бўлади. Масалан, ҳайитнинг

учинчи куни куёш ботай дега-нида бой бўлган киши қурбонлик қилиши лозим. Худди шу пайтда мол-мулкдан ажралиб қолган киши, ҳайитнинг илк кунларида бу ишга қодир бўлиб ҳали қурбонлик қилмаган бўлса, унинг зиммасидан қурбонлик соқит бўлади. Аммо қурбонлик қилиш кунларида қурбонлик қилмаган бой киши қурбонликнинг қийматини камбағалларга садақа қилиши керак.

Олти ойлик қўй, беш яшар туя, икки ёш мол (сигир), тугилишда шохсиз бўлган катта-кичик ҳайвонларни қурбонлик қилиш мумкин. Бир ёки икки кўзи кўр, тик туролмайдиган даражада кучсиз, сўйиладиган жойгача юриб боролмайдиган даражада нимжон ҳайвонлар қурбонлик қилинмайди.

Савол. Келиним биринчи фарзандига бошқоронғи бўлганида менга анча эркалик қилгандай бўлиб туюлди. Бу борада динимизнинг алоҳида кўрсатмалари борми?

МАҲЛИЁ,
Пон

Жавоб. Бошқоронғилик ҳомилдорликнинг илк даврида намоён бўладиган ҳиссий ҳолатдир. Кўнгил айнаши, му-

айян нарса ҳидини ё муайян таомни ёқтирмаслик ёки муайян таомни, кўпинча нордон таомлар ейишни иташ бошқоронғилик белгиларидир. Бошқоронғилик аёлнинг туйғу ва истақларида, эри билан муносабатларида ҳам акс этадиган ҳолатдир. Бошқоронғи аёл гоҳо эрининг ҳидини ёқтирмайди, эри унга яқин келганида нафратланиши мумкин. Бу ҳолати эрини ёмон кўрганидан эмас, балки бутун мизожи ўзгаргани, безовталиги ва ҳаяжонидан бўлади. Аёл бу ҳолда ўз туйғу ва истақларини бошқаролмай қолади. Шунинг учун бу ҳолдан эсон-омон ўтиб олгунича уни тушуниш, ғамхўрлик қилиш керак.

Ақлли, зийрак эр хотинининг бошқоронғи бўлганини билгач, унга вазифаларни кўп айтмаслиги, юмшоқ бўлиши, аёлининг оромини ҳисобга олиши, талаблари билан аёлига оғирлик қилмаслиги керак.

Ўз навбатида бошқоронғи аёл ҳам эрини бахтиёр қилиш ва унга ором етказиш учун бор имконини сарфлаши лозим. У доимо шуни ёдда тутиши керакки, бошқоронғилик она бўлишнинг биринчи белгисидир. Оналик эса шафқат, меҳр, яхшиликдир.

Ҳайъат раҳбари
Абдулазиз МАНСУР

Алишер Навоий шеърятда пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) гўзал ахлоқ ва сийратлари моҳирлик билан ифода этилади.

Навоий пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) насаблари ҳақида бундай ёзади:

*Қураший асл, Абтаҳий маҳмил,
Ҳошимий кеш, Ясрибий манзил¹...*

Пайғамбаримиз етимликда ўсиб-улғайиб, бир муддат савдогарлик билан шуғулланган, Макка аҳлининг ишонч ва ҳурматиға сазовор бўлганлар, рисолат келмасидан аввал ҳам энг гўзал фазилатларнинг соҳиби, Аллоҳ таолонинг хулқлари билан хулқланган инсон эдилар.

Шу боис Навоий ёзади:

*Даб лақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Рухул амин²...*

«КАМОЛ АҲЛИ ИЧРА ЭНГ АКМАЛИ»

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадислари у зотнинг “камол аҳли ичра акмали” эканига гувоҳлик беради. Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) бу ҳадис ривоят қилинади: “Расулуллоҳ шалоқ сўзларни сўзламас, ўзгаларнинг ҳам шалоқ сўзламоғига йўл қўймас эдилар ва ул зот “Сизларнинг яхшингиз — хулқи яхши бўлганингиздур!” деб марҳамат қилар эдилар³” Навоий ғазалларнинг бирида бундай деб ёзади:

*Зиҳи азалда карам айлабон санга Халлоқ,
Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ.⁴*

Маънавий иллатлардан покланиб, гўзал ахлоқлар билан зийнатланиш ва хотамул анбиё каби тўғри сўз, эзгу амал ва пок қалб билан яшаш ҳар бир инсоннинг икки дунёда бахтли-саодатли бўлиши гаровидир. Навоий ўз шеърларида пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) сийратларини ёритиш билан одамларни ана шундай саодатга чорлашни мақсад қилган.

“Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни бир гуруҳ саҳобалар Пайғамбаримизни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, уларга яқинлашганларида, уларнинг Иброҳим Халилул-

лоҳ, Мусо Нажиюллоҳ, Исо Рухуллоҳ, Одам Сафиюллоҳ каби пайғамбарларнинг сифатларини ёд этишаётганини эшитиб қолдилар ва: “Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман

ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар, мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ⁵” деб марҳамат қилдилар.

Шундай улуг Пайғамбарнинг уммати бўлган Алишер Навоий ҳам:

*Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис⁶,*

деганида ҳам ҳеч қандай ортиқча фахрланиш йўқ, балки бунда воқеликнинг айни ўзи таъкидлангандир.

Олим ДАВЛАТОВ,
Тошкент Давлат шарқишунослик
институтини тадқиқотчиси

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-жилд, “Саъбаи сайёр”, 18-бет, Т., “Фан”, 1992 йил.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-жилд, “Ҳайратул аброр”, 36-бет, Т., “Фан”, 1991 йил.

³ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-жомийъ ассаҳиҳ”, 2-жилд, 474-бет, Т., “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1997 йил.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-жилд, “Саъбаи сайёр”, 18-бет, Т., “Фан”, 1992 йил.

⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт. Нубувват ва рисолат китоби”, 32-бет, Т., “Шарқ”, 2006 йил.

⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-жилд, “Фаройиб ус-сиғар”, 89-бет, Т., “Фан”.



ҲАРАМНИНГ ЭШИГИ НЕЧТА?

Эски замонларда Курайш аҳли Ҳарамдаги матоф (Каъбани айланиб чиқиш учун чегараси махсус белгиланган очиқ жой) атрофига уйлар кура бошлагач, ора-орада очиқ-бўш жойлар қолдириб кетилган.

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб Масжидул Ҳарамни кенгайтириш жараёнида масжид атрофига девор қурдириб, уларга эшик ўрнатирдилар. Бу кенгайтиришлар кейинчалик ҳам давом этиб, охири шарафли икки Ҳарам ходими кенгайтиришидан кейин эшиклар сони 95 тага етди. Унга Будрум, ер ости йўли, би-

ринчи қават кўтармазинаси (эсколатор), саъй қилинадиган ерлардаги ўтиш йўллари, Шом томондаги кўприклар ҳам киради. Улар “1” рақамли подшоҳ Абдулазиз эшигидан бошланиб, шарафли икки Ҳарам ходими кенгайтирган бинодаги “95” ра-



қамли “Подшоҳ Абдулазиз зинаси” номли эшик билан тугайди. Аммо бу рўйхатга кирмаган “Бани Шайба” эшиги ва Марвадаги эшиклар ҳам бор. Булардан эллик биттаси дарвоза ва қирқ биттаси эшиклардир. Дарвозаларнинг тўрттаси асосий кириш жойлари бўлиб, улар “Подшоҳ Абдулазиз дарвозаси”, “Салом дарвозаси”, “Умра дарвозаси” ва “Подшоҳ Фаҳд дарвозаси” деб аталади. Ҳарамдаги мавжуд тўққизта миноранинг саккизтаси ана шу тўртта бош дарвоза ёнида, биттаси саъй бошландиган Сафо тоғи яқинида жойлашган.

Барча дарвоза ва эшикларнинг тартиб рақамлари ва номлари бор. Улар машҳур саҳобийлар, Ислом тарихи билан боғлиқ жой ва воқеалар, Саудия Арабистони подшоҳлари номи билан аталган. Улар орасида “Меҳмонлар дарвозаси”, “Иброҳим дарвозаси”, “Фатҳ дарвозаси”, “Умму Ҳонеъ дарвозаси”, “Ал-Малик дарвозаси” каби машҳур эшик-йўлаклар бор. Ҳаж ва умра қилиш ниятида Ҳарамга “Бобус салом” (Салом эшиги)дан кириш аъло-роқдир.


Масжидул Ҳарам сўнги бор кенгайтирилганидан кейин ҳозир бир миллион 200 мингга яқин намозхонни сиғдирадиган бўлди.

*Муҳаммад Илёс
Абдулганининг
“Маккаи
мукарраманинг эски
ва янги тарихи”
асаридан
Анвар АҲМАД
тайёрлади*

Ҳорун ЯҲЁ

ҲАЙВОНЛАР ШОҲИ

Гарчи шер мушуксимонлар оиласига мансуб бўлса-да, оддий хонаки мушуклардан катта фарқ қилади. Шер – ҳақиқий ёввойи ҳайвон, қўрқинчли йиртқич. Узун гавдаси, калта ва бақувват панжалари, катта калласи, кучли ва мағрур ташқи кўринишининг ўзи шерни «ҳайвонлар шоҳи» дейиш учун кифоя.



Шер кўзлари ҳам мушукники каби имкон қадар кўпроқ ёруғлик йиғишга ёрдамлашувчи махсус тузилишга эга. Шернинг кўз қорачиғи ва унинг ортидаги ойнасимон қисми ҳам бошқа ҳайвонларникидан анча йирик. Шу боис кечаси уларнинг кўзларини янада ўткирлашади.

Бу «шоҳ»нинг бўйи узунасига думи ҳам қўшиб ҳисобланади, уч метргача боради. Баландлиги бир метрча келади, вазни эса ўргачаикки юз килодан ошади.

Арслонларнинг тумшугини ўраб олган дабдабали ёли бор. Гардани, бўйни ва елкасини қоплаган, белига қадар ўсган ёл

«ҳайвонлар шоҳи»ни ҳайбатли кўрсатади.

Кўпчилик шерлар қоялар ёки дарахтлар соясида уззу кун чўзилиб ётишади. Кеч тушганда овга чиқишади. Шерлар қоронғуда яхши кўради, шунинг учун тунда ўлжасини бемалол илғай олади.

Тунда «ҳайвонлар шоҳи» овга чиққанида, унинг ўкириши тонг отгунича янграб туради. Атрофдаги барча жонзотлар жимиб қолади. Увиллаётган сиртлон «қўшиқ»ларини тўхтатади. Ҳамма «шоҳ»га қулоқ солади. Қўрқоқ маймунлар эса дарахтларнинг энг учига чиқиб, бор кучи билан чинқира бошлайди.

ЭРКАТОЙ МУШУКВОЙЛАР

Мушуклар ўргатилган кучуклардан фарқли ўлароқ, кўпам эгасининг айтганига киравермайди. Аммо бу суюмли ва мулойим жониворлар бизга кўп қувонч бағишлайди. Келинг, мушукларнинг хатти-ҳаракатларига разм солайлик. Улар оч қолишса, бечорасимон бўлиб миёвлай бошлайди. Шунда уларга ачиниб, овқат бергингиз келади. Сизга ёқмоқчи бўлиб, оёқларингиз атрофида айланиб, боши билан суркалади ва кўзларингизга маъюс тикилади. Унга эътибор бериб, майин юнгини силасангиз, жавобан оҳиста хуриллай бошлайди.

Мушукларнинг кўзлари

тунда ҳам жуда ўткир бўлишини биласизми?

Улар кўриши учун озгина ёруғлик ҳам кифоя, чунки мушук кўзларининг тузилиши ўзига хос. Қоронғида қорачиқлари кенгайиб, думалоқлашади, бу катта ёруғликни қамраб олишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, мушук кўзларидаги махсус парда (инсонда бу нарса йўқ) унча ёруғ бўлмаган жойда ҳам кўришга ёрдамлашади. Бу парда кўзнинг тўр пардаси ортида жойлашган. Тўр пардадан ўтаётган нур махсус пардада акс этиб, яна тўр пардага қайтади. Демак, ёруғлик тўр парда орқали икки





марта ўтар экан. Бу эса, жонивор қабул қилган тасвирнинг икки баробар ёрқин ва тиниқ бўлишини таъминлайди. Шунинг учун мушук инсон ҳеч нарсани кўролмайдиган зулматда ҳам бемалол кўраверади.

Нега мушукнинг кўзлари қоронғуда ялтирайди?

Бу хусусият ҳам мушук кўзларидаги махсус парда борлигидан. Парда ўзига тушган нурни кўзгу каби акс эттиради. Қайтган ёруғлик туфайли мушук кўзлари нур таратади.

Мушукларнинг панжалари ҳақида нималарни биласиз?

Бу ёқимтой мавжудотларнинг жажжи нозик панжалари хавф таҳдид солганида аёвсиз тимдаловчи қуролга айланади. Уларнинг ўткир,

чангаллаб тутадиган тирноқлари хотиржам вақтида панжалари ичида, «ёстикча»лар орасида яшириниб туради.

Нима учун мушуклар йиқилса ҳам, доимо тўрт оёғида ерга тушади?

Чунки улар йиқилаётганида думини у ёнга, бу ёнга буриб, ҳавода муаллақ ҳолда мувозанатини сақлашга ҳаракат қилади. Агар буни уддалашса бас, ерга тўрт оёғи билан тушади.

ЙЎЛБАРС ЁВВОЙИ МУШУК

Олабайроқ улкан мушуклар — йўлбарсларни ким билмайди дейсиз? Аммо уларни ҳам уй мушугидек ювош деб ўйламанг асло! Улар жуда кучли йиртқичлардир.

Янги туғилган йўлбарсча икки кундан кейингина кўзларини очади. Она йўлбарс боласини меҳр ила ялаб-юлқаб, парваришлайди. У боласини олти ой сут эмизиб боқади. Йўлбарсдай ваҳший ҳайвон ҳам, Аллоҳ таоло иродаси ила, ўз болаларига шунчалик меҳрибон ва ғамхўрдир. Йўлбарсча бироз улгайгач, она йўлбарс унинг тарбияси билан шуғулланади, мустақил ов қилишга ўргата бошлайди.

Шундан сўнг ёш йўлбарсни улгайган деб ҳисоблаш мумкин: у тез югура олади, ҳаракатлари тез ва чаққон, бола кўриб, боқа олади. Вояга етган йўлбарс тўрт метргача сакрай олади. Шунинг учун югурган йўлбарс қисқа вақтда катта масофани босиб ўтиши мумкин.

Йўлбарслар яшириниш, бошқача айтсак, ҳимоя ран-



гига кириш қобилятига эга. Улар буни ўзларининг «кўздан беркитувчи либос»лари ёрдамида амалга оширади. Ахир терисининг нақши ўзи яшаётган макон манзарасига узукка кўз қўйгандек мос тушадида. Шу боис йўлбарс сездирмай яқин бориб, ўлжасига ҳамла қилади.

Йўлбарсларнинг чипор териси жуда чиройли. Ҳар бир йўлбарс териси ё лунжларидаги йўл-йўл чизиқлар эса бетакрордир, яъни сайёрамиздаги барча йўлбарслар орасида ик-

кита бир хил чизиқли йўлбарсни тополмайсиз.

Йўлбарс ҳеч қачон бегона худудда ов қилмайди. Ўз маконини эса йўлбарс буталарга ишқаланиб, ўз ҳиди билан белгилайди. Бу ҳид бошқа йўлбарсларга бировнинг худудига яқинлашганини англайтиб туради.

Бу улкан ёввойи мушуклар сувни жуда яхши кўриши билан ҳам уй мушукларидан ажралиб туради (уй мушуклари эса сувдан ўлгудек кўрқади) ва жуда яхши сузишади.

Раҳматуллоҳ ДОНИЁР
таржимаси

